

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги Наманган вилоят халқ таълими бошқармаси Вилоят халқ таълими педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти Жисмоний тарбия, санъат ва меҳнат таълими кафедраси Мехнат таълими фани ўқитувчиларининг малакасини ошириш курслари учун «Мутахассислик (ихтисос) методикаси» дан маъruzalар матни

I-қисм Маъruzalар матни

ШАРХ: Маъruzalар матни меҳнат таълими фани ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўйилган давлат талаблари асосидаги ўқув-мавзу режага мувофиқ тайёрланди. Унда меҳнат таълими методикасининг долзарб масалалари ёритилган. Маъруза матнларидан меҳнат таълими методистлари, ўқитувчилар, малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларининг тингловчилари фойдаланишлари мумкин. **Тузувчи:** Ҳ.Тожибоев - НВПҚТМОИ жисмоний тарбия, санъат ва меҳнат таълими кафедраси мудири. **Тақризчилар:** Ю.Мавлонов - НВХТПХҚТМОИ ректори, физика-математика фанлари номзоди, доцент. Ҳ.Абдуллаев - НамДУ проректори, педагогика фанлари номзоди, доцент. Ушбу маъруза матнлари НВХТПХҚТМОИ жисмоний тарбия, санъат ва меҳнат таълими кафедрасининг 2005-йил 25-декабрдаги йиғилишида мухокама қилинган, институт илмий кенгашининг 2005-йил 27-декабрдаги 7-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Мавзу: Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида ўқувчиларнинг меҳнат тайёргарлигига қўйилган вазифалар (2 соатлик маъруза).

Максад: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

1997 йил 29 августдаги IX-сессиясида Президенти И. Каримовнинг «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» мавзусидаги маъruzаси ва ушбу сессияда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида меҳнат таълими ўқитувчилари олдида турган вазифалар ҳақида маълумот бериш.

Режа:

1. Миллий дастурнинг мақсади, вазифалари ва уни ёш авлод тарбиясидаги роли.
2. «Таълим тўғрисида» ги қонун ва кадрлар тайёрлаш миллий дастурини бажарилишида педагогик ходимларнинг вазифалари.
3. Ўқувчиларни меҳнат тайёргарлигига қўйилган вазифалар.

Миллий дастурнинг мақсади, вазифалари ва уни ёш авлод тарбиясидаги роли.

«Таълим тўғрисида» ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи чақириқ IX-сессиясида қабул қилинди.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ни рўёбга чиқаришнинг 1-босқичида «Таълим тўғрисида» ги қонунига мувофиқ таълим тизими мазмунини таркибий қайта қуриш ва тубдан янгилаш, таълим олувчиларнинг юксак тайёргарлик даражаси, малакаси, маданий ва маънавий-ахлоқий савиясининг сифатига қўйиладиган зарур талабларни жорий этиш кўзда тутилган.

Мазкур дастурнинг мақсади-таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишидан қолган мағкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла холос этиш,

ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишидир.

Ушбу мақсадни рўёбга чиқариш куйидаги вазифалар ҳал этилишини назарда тутади.

- «Таълим тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш давлат ва нодавлат таълим муассасалари ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантиришни таъминлаш;

- таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга оширилаётган янгиланиш, ривожланган демократик хукуқий давлат қурилиши жараёнларига мослаш;

- кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларни юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, педагогик фаолиятнинг нуфузи ва ижтимоий мақомини қўтариш.

- кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёjlаридан, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиқсан ҳолда қайта қуриш;

- таълим ва кадрлар тайёрлаш, таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитация қилиш сифатига баҳо беришнинг холис тизимини жорий қилиш;

- таълим, фан ва ишлаб чиқарши самарали интеграциялашувини таъминлаш, тайёрланаётган кадрларнинг миқдори ва сифатига нисбатан давлатнинг талабларини, шунингдек нодавлат тузилмалари, корхоналар ва ташкилотларнинг буюртмаларини шакллантиришнинг механизмларини ишлаб чиқиш;

- узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимига бюджетдан ташқари маблағлар, шу жумладан чет эл инвестицияларини жалб этишнинг реал механизмларини ишлаб чиқариш ва амалиётга жорий этиш;

- кадрлар тайёрлаш соҳасида ўзаро манфаатли ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

Миллий дастурнинг мақсад ва вазифалари босқичма- босқич рўёбга чиқарилади.

Биринчи босқич: (1997-2001 йиллар)-мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун хукуқий, кадрлар жиҳатидан илмий-услубий, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратиш.

Ушбу босқичда қўйидагиларни амалга ошириш назарда тутилган эди.

- «Таълим тўғрисида»ги қонунга мувофиқ таълим тизими мазмунини таркибий қайта қуриш ва тубдан янгилаш.

- педагог ва илмий педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширилиши замон талабларига жавоб берадиган даражада ташкил этиш;

- таълим олувчиларнинг юксак тайёргарлик даражаси, малакаси, маданий ва маънавий ахолқий савиясининг сифатига нисбатан қўйиладиган зарур талабларни белгилаб берувчи давлат таълим стандартларини яратиш ва жорий этиш;

- ўқув-услубий мажмуаларнинг ҳамда таълим жараёни дидактик ва ахборот таъминотининг янги авлодни ишлаб чиқариш ва жорий этиш;

- ўрта махсус, касб-хунар таълими учун зарур моддий техника, ўқув-услубий ва кадрлар базасини тайёрлаш;

- таълим ва кадрлар тайёрлашга бюджетдан ташқари маблағларжалб этишнинг механизмларини такомиллаштириш, давлат таълим муассасалари билан бир қаторда нодавлат таълим муассасаларини ривожлантиришни ҳам назарда

тутган ҳолда таълим хизмати кўрсатиш соҳасида рақобатга асосланган мухитни вужудга келтириш;

- таълим муассасалари фаолиятига баҳо беришнинг рейтинг тизимини, кадрлар тайёрлаш сифати ва уларга бўлган эҳтиёжнинг мониторингини олиб бориш тизимини ишлаб чиқариш ва жорий этиш;
- халқаро алоқаларни кенгайтириш ва кучайтириш, кадрлар тайёрлашда халқаро донорлик ташкилотлари ва фондлари фаолиятига тегишли шароитлар яратиш, шунингдек республика таълим соҳасига чет эл инвестицияларини жалб этиш бўйича реал чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш;
- кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқаришнинг мониторингини олиб бориши.

Ушбу босқичда болаларни 6-7 ёшидан мактабга қабул қилиш уларнинг жисмоний ва ақлий жиҳатдан ривожланганлигини эътиборга олган ҳолда амалга оширилади. Тақозо этилаётган ўкувчи ўринлари зарур моддий-техника шарт-шароитлари ва педагог кадрлар билан таъминланган ҳолда изчил тайёрланади. Биринчи босқич бажарилишининг мониторинги асосида миллий дастурини рўёбга чиқариш йўлларига аниқликлар киритилади.

Иккинчи босқич- (2001-2005 йиллар)-миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда аниқликлар киритиши.

Мажбурий умумий ўрта ва ўрта маҳсус касб-хунар таълимига, шунингдек ўкувчиларнинг қобилияtlари ва имкониятларига қараб табақалаштирилган таълимга ўтиш тўлиқ амалга оширилади.

Таълим муассасаларини маҳсус тайёрланган малакали педагог кадрлар билан тўлдириш таъминланади, уларнинг фаолиятида рақобатга асосланган мухит вужудга келтирилади.

Таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлаш давом эттирилади. Ўқув-тарбия жараёни юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминланади. Узлуксиз таълим тизимини ахборотлаштириш амалга оширилади.

Таълим хизмати кўрсатиш бозорини шакллантириш механизmlари тўлиқ ишга солинади.

Учинчи босқич. (2005 ва ундан кейинги йиллар)-тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш.

Таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базаларини янада мустаҳкамланади, ўқув-тарбия жараёни янги ўқув-услубий мажмуалар, илғор педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминланади.

Миллий (элита) олий таълим муассасаларини қарор топтириш ва ривожлантириш амалга оширилади. Касб-хунар таълим муассасаларининг мустақил фаолият юритиши ва ўзини-ўзи бошқариши шакллари мустаҳкамланади.

Таълим жараёнини ахборотлаштириш. Узлуксиз таълим тизими жаҳон ахборот тармоғига уланадиган компьютер ахборот тармоғи билан тўлиқ қамраб олинади.

Умумий ўрта таълим муассасасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурлари» қонунлари Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майда 203-сонли «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида» қарорига мувофиқ ташкил этилади ва ўз навбатида юқоридаги хужжатларга хукуматнинг халқ таълими вазирлигининг

таълим-тарбияга оид қарор, фармоиш, буйруқ ва кўрсатмаларини ҳамда мувакқад намунавий уставга амал қилинади.

«Таълим тўғрисида» ги қонун ва кадрлар тайёрлаш миллий дастурини бажарилишида педагогик ходимларнинг вазифалари.

Мактаб узлуксиз таълим тизимининг асосий бўғини бўлиб у ўқувчи ёшларга 1-9 синф ҳажмда давлат стандартлари доирасида фан асосларида умумий ўрта маълумот берувчи кундузги мажбурий таълим муассасаси ҳисобланади. Мактаб ҳалқ таълими вазирлиги тизимидағи мустақил юридик шахс ҳисобланади ва давлат герби тасвири туширилган муҳри, штампи ва бошқа алоҳида белгиларга эга бўлади.

Мактаб эҳтиёжига кўра бошқарувнинг жойлардаги бўлинмаларида ўз ҳисобкитоб рақамига эга бўлиш мумкин. Мактаб умумий ўрта таълим муассасаларини аттестациясидан ўтказиш ва аккредетация қилиш Давлат тест маркази хузуридаги кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш. Педагог кадрлар ва таълим муассасаларини аттестация бошқармаси ўтказган аттестация натижаларига кўра ҳалқ таълими тизимининг бошқарув идоралари розилиги билан маҳаллий ҳокимият қарорига асосан тугатилиши ёки таълимнинг бир туридан бошқа турига ўзгариши мумкин.

Мактабнинг асосий мақсади ўқувчиларни ДТС ларига мувофиқ ўқитиш ва тарбиялаш ҳамда шахснинг таълим олишга доир конституциявий хуқуқини рўёбга чиқаришдан иборатdir. Мактаб ўқувчиларига таълимнинг давлат бошқарув органлари томонидан тасдиқланган ўкув режаси ва дастурлари асосида фан асосларидан билимларнинг зарур ҳажмини беради улардаги ташкилотчилик қобилияtlари ва амалий тажриба кўнікмаларини ривожлантиради, таълимнинг кейинги босқичларида (академик лицей ва касб-хунар коллеклари) онгли равишда мустақил танлашларига кўмаклашади.

Мактаб таълим-тарбия ишларини ҳар бир шахс жамият ва давлат манфаатларини қўзлаган ҳолда амалга оширилади. Ўқувчиларнинг ҳар томонлама камол топтириш учун қулай шарт-шароитлар шу жумладан уларнинг ўз устида мустақил ишлашлари учун қўшимча билим олишлари учун имкониятлар яратилади. Ўқувчиларга ирқи, миллати, мазҳаби, келиб чиқишидан қатъий назар умумий ўрта таълим олишлари учун имкониятларини яратиб беради. Таълимнинг узлуксизлигини ва изчиллигини, инсонпаварлигини ва демократиклигини, илмийлиги ва дунёвийлигини таъминлайди. Билимдон ва қобилиятли ёшларни қўллаб-куватлайди. Ўқувчиларда фойдали меҳнат қилиш ижобий ва мустақил фикрлаш кўнікмаларини шакллантиради. Миллий ҳамда умумбашарий қўдриятиларини ўзвий бирлаштириш асосида ўқувчиларга юксак маънавий-ахлоқий фазилатларини таркиб топтиради. Ватанига ва ҳалқига содик фуқаро шакллантиради. Таълим дастурига нисбатан ягона ва табақалаштирилган ёндашувни таъминлайди.

Мактаблардаги умумий ўрта таълим пировардида қуидаги натижаларга эришилади:

билимли, баркамол, маданиятли шахсларни шакллантириш уларни оила, жамият, давлат олдидаги масъулиятини тўла англайдиган ва эгаллаган билимларини ҳаётга тадбиқ эта биладиган шахс сифатида камол топтириш;

- ахлоқан пок, жисмоний бақувват, ватанга садоқатли, фидоий инсон, изланувчан, ташаббускор соғлом авлодни етказиб бериш;
- таълим олувчиларни ўрта маҳсус ўкув муассасалари (академик лицей, касб-хунар коллеклари) да ўқишиларини давом эттиришлари учун тайёрлашдан иборатdir.

Ўқувчиларни меҳнат тайёргарлигига қўйилган вазифалар.

Умумий ўрта таълим муассасалари (мактаблари)да олиб бориладиган меҳнат таълими дарсларида ўқувчилар қуидаги билим, малака ва кўнкималарни эгаллашлари шарт:

- политехник дунёқарашибга эга бўлиш;
- умумехнат билим кўнкима ва малакаларни эгаллаган бўлиши;
- касблар ҳакида умумий тасаввурга эга бўлиш;
- қишлоқ хўжалик ва майший соҳалардаги ишлаб-чиқариш асослари ҳақида билим ва дастлабки кўнкималарига эга бўлиш;
- материалларга бадиий ишлов бериш кўнкималарига эга бўлиш;
- муайян механизм-мослама ва машиналарнинг чизмаларини тайёрлаш кўнкималарига эга бўлиш;
- уй-рўзғор электр асбобларидан ва газдан хавфсизлик қоидаларига риоя қилган ҳолда фойдалана олиш.
- электротехник меҳнат (уй-рўзғор асбобларини тузатиш) кўнкималарига эга бўлиш;
- содда дурагорлик ишларини бажара олиш (ўғил болалар учун)
- кундалик турмушда зарур бўладиган бичув-тикув ишларини бажара олиш (қиз болалар учун)
- пазандалик маҳоратини эгаллаш;
- уй тутиш маданияти (уйни дид билан безатиш, рўзғор тутиш, кийим кечакларни саранжом-саришта тутиш, маданиятли кийиниш) кўнкималарига эга бўлиш;
- оила иқтисодиёти (оила бюджети, кирим-чиқими, оила меҳнат тақсимоти, оиласвий ишлаб чиқаришни ташкил этиш) кўнкималарига эга бўлиш;
- Ўзбекистон Республикасидаги касб-хунарлар ҳақида билимга эга бўлиш, айрим касблар бўйича дастлабки меҳнат кўнкималарини эгаллашлари керак.

Бугунги шароитда миллий таълим-тарбия тизимини ҳар томонлама ривожлантиришга мустақил Ўзбекистон тараққиётининг асосий ҳал қилувчи соҳаларидан бири сифатида қаралмоқда. И.Каримовнинг таълим тизимини ислоҳ қилиш ва маънавий етук авлодни тарбиялаш тўғрисидаги ғоялари кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосини ташкил этади.

Адабиётлар.

1. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент. 1997 йил
2. И.Каримов. «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳот-ларни чуқурлаштириш йўлида», Тошкент. 1995 йил
3. И.Каримов «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» 2002 йил 29-30 августда Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги маърузаси.
4. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. 1999 йил 4-махсус сон.

Тест саволлари:

1. Ўқувчиларни ташкилотчилик кобилияти ва амалий тажриба кўнкималарини ривожлантириш "Таълим тўғрисида"ги қонуннинг қайси моддасида қайд этилган?
 1. 4 моддада.
 2. 9 моддада.

3. 1 моддада. 4. 15 моддада. 5. 12 моддада.
2. Дастребки тарзда касбга йўналтириш таълимнинг қайси турида амалга оширилади?
- 1.Мактабгача таълимда. 2.Умумий ўрта таълимда.
 - 3.Ўрта маҳсус,касб хунар таълимда. 4.Олий таълимда.
 - 5.Мактабдан ташкари таълимда.
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини руйёбга чиқариш боскичлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?
- 1.1996-1999 йиллар,1999-2001 йиллар,2001-2005 йиллар
 - 2.1997-2001 йиллар,2001-2003 йиллар,2003-2005 йиллар
 - 3.1996-2001 йиллар,2001-2005 йиллар,2005-ва кейинги йиллар.
 - 4.1997-2001 йиллар,2001-2005 йиллар,2005 ва кейинги йиллар
 - 5.1998-2001 йиллар,2001-2004 йиллар,2004 ва кейинги йиллар
4. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?
- 1.Шахс,давлат ва жамият,фан,ишлаб чиқариш,узлуксиз таълим
 - 2.Давлат,шахс,ишлаб чиқариш,узлуксиз таълим,фан
 - 3.Шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш.
 - 4.Фан,жамият,ишлаб чиқариш,узлуксиз таълим,шахс
 - 5.Узлуксиз таълим,фан,давлат ва жамият,шахс,ишлаб чиқариш

Мавзу: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси-нинг 1998 йил 13-майдаги Ўзбекистон Республикасида «Умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида» ги 203-сонли ва 1998 йил 16 августдаги «Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» ги 390-сонли қарорлари асосида вазифалар. (2 соатлик маъруза).

Мақсад: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасига оид қабул қилган қарорлари ва қўйилган вазифалар ҳақида маълумот бериш.

РЕЖА:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13-майдаги «Умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида» ги 203-сонли қарори ва унинг таълимда ислоҳотларни амалга оширишдаги аҳамияти.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13-майдаги «Умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида» ги 203-сонли қарорида қўйилган вазифалар.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 16 августдаги «Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» ги 390-сонли қарори ва қўйилган вазифалар.
4. Умумий ўрта таълимни давлат таълим стандартининг мазмуни ва уни жорий этиш асослари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13-майдаги «Умумий ўрта таълимни ташкил этиши тўғрисида» ги 203-сонли қарори ва унинг таълимда ислоҳотларни амалга оширишдаги аҳамияти.

Мамлакатимиз келажаги учун Олий Мажлиснинг IX сессиясида қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» жуда муҳим аҳамиятга эга, унда шундай дейилади:

«Республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсад ва ҳаракатга келтирувчи кучи бу инсон, унинг баркамол ривожланиши, фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқариш шароитлари ва таъсирчан механизмларини яратиш. Дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-хунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқукий, психологик-педагогик ва бошқа шарт-шароитларни яратишни, жамият ва давлат оила олдида ўз масъулиятини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутади».

Миллий дастурнинг ушбу қоидаларини ҳаётга тадбиқ этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси бир қатор қарорларни қабул қилди.

Улардан энг асосийси, 1998 йил 13-майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиши тўғрисида» ги 203-сонли қароридир.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» га мувофиқ умумтаълим мактабларининг ўқитиши дастурларини ислоҳ қилиш, тўққиз йиллик умумий ўрта таълимнинг сифат жиҳатидан янги тизимини яратиш, унинг ўрта маҳсус, касб-хунар таълими билан давомийлигини ва узвий боғлиқлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13-майдаги «Умумий ўрта таълимни ташкил этиши тўғрисида» ги 203-сонли қарорида қўйилган вазифалар.

1. Умумий ўрта таълими мактаблари (1-9 синфлар) нинг таълим дастурлари:
 - ўқувчиларнинг мунтазам билим олишини, уларда билим олиш эҳтиёжини ривожлантиришни, асосий ўқув, илмий ва умуммаданий билимларни шакллантиришни;
 - ўқувчиларда меҳнат кўникмалари, мустақил ижодий фикрлаш, касб танлашга ва атроф оламга онгли муносабатни хосил қилишни;
 - миллий ва умумбашарий қадриятларни узвий бирлаштириш асосида юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни тарбиялашни, ўз Ватанига, ва халқига содик фуқарони шакллантиришни;
 - 1-9 синфлар ўқув дастурларининг академик лицейлар ва касб-хунар коллежларидаги ўқитиши дастурлари билан ўзаро узвий боғланишини таъминлаши лозим.

2. Ўзбекистон Республикасида «Умумий ўрта таълим тўғрисида» ги низом тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги:
 - Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан биргаликда умумий ўрта таълим давлат таълим стандартини ишлаб чиқсин.

1998-1999 ўқув йилида уни синовдан ўтказишни таъминласин ва 1999 йил 1 июлга қадар тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин, 1999-2002 ўқув йилидан бошлиб умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартини умумтаълим мактабида ўқитиши дастурлари билаен биргаликда жорий этилишини таъминласин.

4. 1998 йил 1 сентябрга қадар умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартини ишлаб чиқиши билан бир пайтда унинг асосида умумтаълим мактаблари учун тажриба ўкув дастурлари ишлаб чиқилишини таъминласин. Бунда 10-11 синфлар ўкув дастурларининг тегишли равишда 5-9 синфлар ўкув дастурларига, шунингдек, академик лицейлар ва касб-хунар колледжлари дастурларига ўtkазилишини назарда тутсинг.

1998-1999 ўкув йилида ўкув дастурлари умумтаълим мактабларида тажриба тариқасида синаб кўрилсин, 1998 йил 1 июлягача тажриба ўкув дастурларини синаб кўрин якунларини ҳисобга олган ҳолда умумлаштирасин ва Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан.

5. 1999 йил 1 августгача 1-9 синфлар учун мактаб дарсликларини тайёрлаш дастур-топшириқларини ишлаб чиқиши таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Давлат Тест Маркази:

- 1998 йил 1 августга қадар таълим муассасаларини, умумий ўрта таълим раҳбар ходимларини ва педагог кадрларини даврий равишида аттестациядан ўтказиб туриш тартибини ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар;

- 1998 йил 1 сентябрга қадар 5-9 синфлар ўкувчиларининг билимлари сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги:

1998 йил 1 сентябрга қадар Қорақолпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлеклари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирлиги билан биргаликда халқ таълими туман, шаҳар бўлимлари тузилмасида ўкувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис марказларини ташкил этсин.

Марказлар штатдаги ходимларининг сони кўпи билан 4 нафардан иборат этиб белгилансин.

Қарорда ташхис маркази низомини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаш ҳамда марказнинг асосий вазифалари белгилаб берилган.

Шунингдек ҳар йили 1 августга қадар мактаблар-нинг малакали педагог кадрлар, ўкув-услубий адабиётлар, дидактик материаллар, ўқитишининг техник ва ахборот воситалари билан таъминлаш, таълим муассасаларининг моддий техника базасини тайёрлаш, ўкувчилар учун зарур санитария-маиший ва ижтимой шароитлар яратилишини таъминлаш, ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларини мунтазам ишлашини таъминлаш, мактаб ўкувчиларини ҳар йили тиббий кўрикдан ўтказиб туриш каби вазифалар юклатилган.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998-йил 16-августдаги
«Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаши
тўғрисида» ги 390-сонли қарори ва қўйилган вазифалар.**

«Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» тўғрисида ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида» ги 1998 йил 13 майдаги 203-сонли қарори бажарилишини таъминлаш, таълим мазмунига ислохотларнинг бош мақсадидан келиб чиқсан ҳолда зарур тузатишлар киритиш, унинг сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 16 августда «Умумий ўрта таълимнинг ДТС ни тасдиқлаш тўғрисида» ги 390-сонли қарорини қабул қилди. Унда шундай дейилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва 1998-1999 ўқув йилида таълим муассасаларида тажриба синовдан ўтган умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги: 1998-1999 ўқув йилида таълим муассасаларида тажриба- синовдан ўтган умумий ўрта таълимнинг ўқув дастурлари ва режаларини белгиланган тажрибада тасдиқласин.

1999-2000 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув дастурлари билан биргаликда куйидагича босқичма-босқич жорий этсин:

- 1999-2000 ўқув йили 5-6 синфлар
- 2000-2001 ўқув йили 7-синф
- 2001-2002 ўқув йили 8-синф
- 2002-2003 ўқув йили 9-синф

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлариин нашр этсин ва 1999 йил 1 сентябргача таълим муассасаларига етказсан.

Янги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларига асосан оригинал дарсликларни яратиб, белгиланган тартиб ва муддатларда нашриётга топширсан.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб, педагог кадрларни янги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари билан фаолият кўрсатишлари таъминлансан.

3. Ўзбекистон Республикаси давлат матбуог қўмитаси, «Шарқ» нашриётматбаа концерни янги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари асосида яратилган оригинал дарсликларни буюртма ва эҳтиёж асосида ўз вақтида чоп этиш ҳамда жойларга етказиши таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Халқ таълими вазирлиги тақдим этган смета асосида давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларни нашр этиш учун сарфланадиган маблағларни белгиланган тартибда ажратсан.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда халқ таълими вазирлиги академик лицейлар, касб-хунар колледжлари ва олий ўқув юртлари учун таълим стандартлари ва ўқув дастурларини ишлаб чиқишида таълим турлари ва босқичлари ўртасидаги узвийликни, таълим мазмуни узлуксизлигини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.С.Кароматов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг раиси Ислом Каримов.

Тошкент шахри. 16 август. 1999йил

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ўқувчилар умумтаълим тайёргарликларига, савиясига қўйиладиган мажбурий минимал даражани белгилаб берди.

Давлат таълим стандарти таълим мазмуни, шакллари, воситалари, усулларини, унинг сифатини баҳолаш тартибини белгилайди. Таълим мазмунининг ўзаги ҳисобланган стандарт воситасида мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатаётган турли муассасаларда (давлат ва нодавлат таълимнинг шарти амалга ош ирилади. Давлат таълим стандарти ўз моҳиятига кўра ўқув дастурлари, дарсликлар, кўлланмалар, низомлар ва бошқа меъёрий хужжатларни яратиш учун асос бўлиб хизмат қиласи).

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ўзининг тузилиш ва мазмунига кўра давлат, ҳудуд ва мактаб манфаатлари ва воситалари мувозанатини акс эттиради, ҳамда энг асосийси ўқувчи шахси, унинг интилишлари, қобилияти ва қизиқишлиари устиворлигидан келиб чиқади. Давлат таълим стандартини бажариш

Ўзбекистон Республикаси худудида фаолият кўрсатаётан мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунишидан қатъий назар, барча таълим муассасалари учун мажбурийдир.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётини нг пойдевори» И.Каримовнинг 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида сўзлаган нутқи.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги ва 1999 йил 16 августдаги қарорлари.

3. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. 1999 йил 4-максус сон.

Тест саволлари:

1. Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида"ги 203-сонли қарори қачон қабул килинган?
1.1998 йил 23 май. 2.1998 йил 20 май.
3.1998 йил 16 май. 4.1998 йил 13 май.
5.1998 йил 10 май.
2. Ўзбекистон Республикасида "Умумий ўрта таълим тўғрисида Низом қачон тасдиқланган?
1.1998 йил 1 август. 2.1998 йил 1 июль.
3.1998 йил 1 сентябрь. 4.1998 йил 13 май.
5.1998 йил 10 июнь.
3. "Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг 203-сонли қарори давлатнинг қайси Қонунини бажаришга қаратилган?
1."Таълим тўғрисида"ги қонунни.
2."Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни.
3."Давлат таълим стандартлари"ни.
4.1 ва 2 жавоблар тугри. 5.2 ва 3 жавоблавр тугри.
4. Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандарти нималарни меъёrlайди?
1. Таълим дастурларининг мажбурий минимал мазмунини.
2. Ўқувчилар ўқув юкламасининг максимал ҳажмини.
3. Битирувчиларнинг умумий таълим тайёргарлиги савиясига доир талабларни.
4.1 ва 2 жавоблар тугри. 5.3 ва 4 жавоблар тугри.
5. Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандарти нечта бўлимдан иборат?
1. 2 та. 2. 3 та. 3. 4 та.
4. 5 та. 5. 6 та.
6. Умумий ўрта таълимнинг ДТС амалиётга кандай жорий этилади?
1.1999-2000 укув йилидан амалиётга кисман жорий этилади.
2.1999-2000 укув йилидан амалиётга тула жорий этилади.
3.1999-2005 йилгacha аста-секин жорий этилади.
4.1999-2000 укув йилидан 2002-2003 укув йилигacha боскичма-боскич жорий этилади.
5. Хамма жавоблар тугри.

Мавзу: Умумий ўрта таълим Давлат таълим стандарти асосида умумий ўрта таълим муассасалари таянч ўқув режасида меҳнат таълимининг ўрни, мақсад ва вазифалари. (2 соатлик маъруза)

Мақсад: Умумий ўрта таълим Давлат таълим стандартининг таълим муассасаларига жорий қилиниши, таянч ўқув режасида меҳнат таълимига ажратилган ўқув соатлари ва синфлар бўйича тақсимоти, меҳнат таълимининг мақсад ва вазифалари ҳақида маълумотлар бериш.

Режа:

1. Умумий ўрта таълим Давлат таълим стандартининг жорий қилиниши ва унинг асосий қоидалари.
2. Умумий ўрта таълим давлат таълим стандартининг таянч ўқув режаси.
3. Умумий ўрта таълим Давлат таълим стандарти асосидаги умумий ўрта таълим муассасалари ўқув режасида меҳнат таълимининг ўрни.
4. Меҳнат таълимининг мақсад ва вазифалари.

Умумий ўрта таълим Давлат таълим стандартининг жорий қилиниши ва унинг асосий қоидалари.

«Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасит Қонунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида» ги 1998 йил 13-майдаги 203-сонли қарори бажарилишини таъминлаш, таълим мазмунига ислоҳотланинг бош мақсадидан келиб чиқсан холда зарур тузатишлар киритиш, унинг сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси «Умумий ўрта таълим Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида 390-сонли қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва 1998-1999 ўқув йилида таълим муассасаларида тажриба-синовдан ўтган умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари тасдиқланди ва у умумий ўрта таълим муассасаларида 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич жорий этилади.

Умумий ўрта таълим Давлат таълим стандарти ўқувчилар умумтаълим тайёргарлигига, савиясига қўйиладиган мажбурий минимал даражани белгилаб беради.

Давлат таълим стандарти таълим мазмуни, шакллари, воситалари, усууларини, унинг сифатини баҳолаш тартибини белгилайди.

Таълим мазмунининг ўзаги ҳисобланган стандарт воситасида мамлакат худудида фаолият кўрсатаётган турли муассасаларида таълимнинг барқарор даражасини тпаъминлаш шарти амалга оширилади. Давлат таълим стандарти ўз моҳиятига кўра ўқув низомлар ва бошқа меъёрий хужжатларни яратиш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ўзининг тузилиши ва мазмунигша кўра давлат, худуд, мактаб манфаатлари ва воситалари мувозанатини акс эттиради ҳамда энг асосийси ўқувчи шахси, унинг интилишлари, қобилияти ва қизиқишлиари устиворлигидан келиб чиқади.

Давлат таълим стандартини бажариш Ўзбекистон республикаси худудида фаолият кўрсатаётган мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунишидан қатъий назар барча таълим муассасалари учун мажбурийдир.

Бу стандарт умумий ўрта таълим мактаблари учун ўқув дастури, ўқув методик кўлланма, дарслик ва бошқа меъёрий материалларни ишлаб чиқиш, ўқув тарбия жараёнини ташкил этиш, ҳамда илмий тадқиқотлар олиб бориш учун зарур бўлган меъёрий хужжатdir.

Давлат таълим стандарти таълимнинг қайси турлари учун белгиланади?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998-йил 5-январдаги «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий

этиш тўғрисида» ги 5-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат таълим стандартлари тўғрисида Низом» нинг 3.1 бандига асосан ДТС таълимнинг қуйидаги турлари учун белгиланади:

- умумий ўрта таълим, шу жумладан бошланғич таълим;
- ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими (академик лицейлар, қасб-хунар коллажлари)
- олий таълим (бакалавриат, магистратура)

3.2 бандда мактабгача, мактабдан ташқари, олий ўқув юритидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш учун давлат бошқарувининг ваколатли органлари томонидан давлат талаблари белгиланади деб кўрсатилган.

Умумий ўрта таълим давлат таълим стандартининг таянч ўқув режаси.

Умумий ўрта таълим мактаблари учун таянч ўқув режаси давлат таълим стандартининг таркибий қисми бўлиб, у таълим соҳаларини меъёrlашга ҳамда мактабнинг молиявий таъминотини белгилашга асос бўладиган давлат ҳужжатидир. Таянч ўқув режаси ўқув предмети бўйича бериладиган таълим мазмунини ўқувчига етказиш учун ажратилган ўқув соатларининг миқдорини ифодалайди.

У ҳар бир синфда муайян ўқув предмети бўйича давлат стандартларига мувофиқ бериладиган таълим мазмунини аниқлашга асос бўлади.

Умумий ўрта таълим ДТС асосидаги умумий ўрта таълим муассасаларининг ўқув режаси.

Умумий ўрта таълим муассасаларига мўлжалланган ўқув режа таълим олувчига тушадиган ўқув юкламанинг энг юқори меъерини белгилайди, уни давлат ва мактаб ихтиёрига тегишли қисмларга ажратади ҳамда ўқув соатларини таълим соҳалари, предметлар ва синфлар бўйича тақсимлайди.

Ўқув режасининг давлат компоненти Ўзбекистон Республикаси худудида таълимнинг яхлитлигини таъмин этади; умумий ўрта таълим муассасаларини битирувчилар томонидан билим ва кўникмаларнинг энг кам (минимум) миқдори эгалланишини кафолатлайди. Уларни кейинчалик академик лицейлар ёки қасб-хунар коллажларида ўқиши давом эттиришларига асос яратади.

Ўқув режанинг мактаб компоненти эса ҳар бир таълим муассасасининг ўз қиёфаси бўлишига имкон беради, ўқувчиларнинг ўзига хос интилишларига, характер хусусиятларига ва қизиқишлиярига мос тарзда индивидуал ривожланишларига шароит яратади.

ДТС асосидаги умумий ўрта таълим муассасаларининг таянч ўқув режасига асосан 1-9 синфларда давлат компонентидаги умумий соатлар миқдори 8616 соат.

Мактаб компонентидаги цумумий соатлар миқдори 610 соат.

Давлат ва мактаб компонентидаги умумий соатлар 9226 соатни ташкил этади.

Давлат компоненти қуйидаги таълим соҳаларини ўз ичига олади ва умумий соатлар миқдори 8616 соатнинг қуйидаги фоизлари ажратилган:

1. Филология соҳаси - 38,6 %
2. Ижтимоий билимлар – 6,9 %
3. Математика таълими - 19,0%
4. Табиий билимлар – 14,0 %
5. Маънавият соҳаси – 3,45 %
6. Санъат соҳаси – 5,5%
7. Технология соҳаси – 5,5 %
8. Соғломлаштириш таълими - 7,0 %

Технология соҳаси меҳнат таълими ва чизмачилик фанларини ўз ичига олади. Бунда: меҳнат таълими – 4,72 % (407 соат), чизмачилик - 0,79 % (68 соат).

Санъат соҳаси мусика маданияти ва тасвирий санъат фанларини ўз ичига олади: мусика маданияти-2,75 % (237 соат), тасвирий санъат - 2,75% (237 соат).

Соғломлаштириш таълими соҳасига жисмоний тарбия, фуқаро мудофааси, инсон хавфсизлиги асослари предметлари киради. Бу соҳага 7,0 % ўқув вақти ажратилган. (610 соат).

Мактаб компоненти барча 1-9 синфларда ҳафтасига 2 соатдан қилиб белгиланган. Бу соатлардан ўқувчиларни қизиқишига кўра, ижодий қобилиятини ўстирувчи якка, гурӯҳ машғулотларига ҳамда ихтисослаштирилган таълимни ташкил қилишда фойдаланилади.

Бундан ташқари ДТС га биноан меҳнат таълимининг барча йўналишлари бўйича амалий меҳнат машғулотлари ўтказилади. 5 ва 6 синфларда 6 кун 3 соатдан жами 18 соат, 7-синфда 10 кун 3 соатдан жами 30 соат ва 8-синфда 16 кун 4 соатдан жами 64 соат бўлиб, ўқув йилининг ёзги, баҳорги ва қиши амалий машғулотлар даврида ўтказилади. Изоҳ: амалий меҳнат машғулот-ларининг соатлари меҳнат таълими ўқув дастурида 1-2 соат ортиқча кўрсатилган.

Умумий ўрта таълим муассасалари ўқув режасида меҳнат таълимининг ўрни.

Меҳнат таълими ўқитувчи раҳбарлигига ўқувчилар томонидан бажариладиган ақлий ва жисмоний харакатлар жараёнидан иборат бўлиб, якуний натижада уларнинг меҳнат қуроллари, воситалари ва жараёнлари ҳақидаги билимларини ҳамда маълум соҳадаги ишлаб чиқариш меҳнатини бажариш учун зарурий амалий кўнікма ва малакаларини эгаллашларига, онгли равишда ва шахс фаровонлиги йўлида меҳнат фаолиятига қўшилишларига имкон берувчи шахсий сифатларини ва тафаккурларини ривожлантиришга қаратилган ўқув фанидир.

Умумий ўрта таълим мактабларининг ўқув режасида меҳнат таълими ўқув фанига 1-4 синфларида ҳафтасига бир соатдан, 5-7 синфларида ҳафтасига икки соатдан ва 8-9 синфларида ҳафтасига бир соатдан, ҳаммаси бўлиб 407 соат вақт ажратилган.

Ўқувчиларни меҳнатга тайёрлаш жараёнида касб-хунарга йўналтиришни янада кучайтириш, уларни замонавий ишлаб чиқариш асослари, ёғочга, металлга ва газламага ишлов бериш технологияси, пазандачилик асослари, қишлоқ хўжалик асослари, бадиий меҳнат технологияси ва машина элементлари йўналишлари бўйича билим, кўнікма ва малакаларни эгаллашлари кўзда тутилган.

5-7 синфларда ўқувчиларнинг ижтимоий эстетик диди ва дунёқарашини кенгайтирадиган, оиласи ҳаёт ва турмушда керак бўладиган юқорида кўрсатилган ўқув режалари ўқувчиларга миллий маданият ва анъаналарига меҳр-муҳаббат уйғотади. 8-9 синфларда касб-хунарларга йўналтириш курси таълим олувчиларнинг ижтимоий дунёқарашини кенгайтиради, касб-хунар таълими йўна-лишларини онгли равишда танлашларига кўмаклашади.

Меҳнат таълимининг мақсад ва вазифалари.

- ўқувчиларда умумеҳнат кўнікма ва малакаларини шакллантириш, уларнинг қизиқишлиари, қобилияtlари, касбий мойилликларига кўра касб-хунар турларини танлашга асос бўладиган хислатларини, умумеҳнат маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш.

- халқ хўжалигини турли соҳалари, уларда ишлатиладиган техника ва технология тўғрисида билимлар бериш, амалий меҳнат орқали яқинроқ танишишларига имкон яратиш. уларни харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияларига ўргатиш.

- юқори синфларда меңнат таълими ишчи мутахассисликларининг касбий фаолиятида қўлланиладиган турли хил асбоб-ускуналар, жиҳозлар, мосламалардан фойдаланишни ўргатиш:

- механизациялаштирилган ва электрлаштирилган воситалар билан ишлашни; технологик билим ва малакаларни, меңнат қонунчилиги, хавфсизлик техникаси, санитария-гигиена қоидалари асосларини ўргатиш.

- турли ишлаб чиқариш соҳалари мазмунига таалуқли дастлабки маълумотларни ўргатиш, текшириш асбобларидан, маълумотномалардан фойдалана олиш, меңнат амалиётларини бажариш, олинган натижаларини қўйилган талаблар билан таққослаш орқали хулоса ячикаришга ўргатиш.

- уқувчиларга билимга интилиш ва меңнатга муҳаббат, меңнат кишисига нисбатан хурмат хиссини сиғдириш, уларни жамоатчилик, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш.

- уқувчиларни бозор иқтисодиёти қонуниятлари талаблари асосида сифатли, рақобатбардош истеъмол моллари, меңнат маҳсулотлари етиштиришга ва етиштирилган маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиш воситаларини ўргатиш, иш боқарувчи (менежерлик) унсурларини, ҳомийлик, ишбилармонлик сифатларини шакллантириб бориш ва ривожлантириш.

- халқ ҳунармандчилиги касбларини ўргатиш орқали халқнинг миллий руҳини, яшаш тарзини, анъаналарини тиклаш ва ривожлантириш. Миллий қадриятлар, тарихий ёдгорликлар, халқ усталарини бой меросини ўргатиш ва улардан ўз амалий фаолиятларида фойдаланиш қўнимкамларини мустаҳкамлаш.

- -меңнат таълими ва касбгача тайёрлаш жараёнларида ахборот технологиялари ва компьютер техникаси, янги технология ва жиҳозларнинг қўлланилиши соҳаларини замонавий талаблар даражасида ва жаҳон тажрибаларига мос ҳолда ўрганишларини таъминлаш.

Меңнат таълими ва касбларга йўналтириш жараёнлари олдига қўйилган юқоридаги вазифаларнинг бажарилишини назорат килиш таълим стандарти воситасида амалга оширилади. Меңнат таълими стандарти умумий ўрта таълим мактабларида меңнат таъғлимининг таянч мазмуни ҳамда битирувчиларнинг меңнат таълими ва касб танлашга тайёргарлик даражасини белгиловчи меъёрлар мажмуаси бўлиб, у давлатнинг таълим соҳасидаги меъёрий хужжати ҳисобланади. Давлат таълим стандартида белгилаб қўйилган кўрсаткичларга эришиш давлат томонидан талаб қилинади ва ўз навбатида бу кўрсаткичларга эришиш учун зарур бўлган таълим олиш имокниятлари таъминлади.

Ўқувчилар таъминланиши зарур бўлган меңнат таълими ва касбларга йўналтириш таълими мазмуни умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларга бериладиган меңнат таълими мазмуни негизини ифодалайди. Ушбу таълим мазмуни ҳар бир худудда мавжуд бўлган ишлаб чиқариш соҳалари мазмунига мос ҳолда ўкув дастури ва дарсликларни яратишда асосий мезон вазифасини бажаради ва уни амалга жорий этиш учун хизмат қиласи.

Меңнат таълими ва касбга йўналтириш таълими мазмуни қуйидаги 5 та йўналишларга бўлинади:

- ёғочга ишлов бериш технологияси
- металлга ишлов бериш технологияси
- газламаларга ишлов бериш технологияси
- пазандачилик асослари
- қишлоқ хўжалиги асослари

Ушбу ҳар бир меңнат йўналишлари халқ ҳунармандчилиги, ишлаб чиқариш асослари ва касб танлашга йўналтириш билан якунланади.

Фойдаланилган адабиётлар.

- 1.Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори». Тошкент. 1997 йил.
- 2.«Таълим тўғрисида» ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» тўғрисида қонунлар.
- 3.Ўумумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. 1999 йил 4-максус сон.
- 4.«Таълим тараққиёти» Ўзбекистон Республикаси ХТВ нинг ахборотномаси. 1998 йил 1-сон.

Тест саволлари.

1. Таянч укув режасида меҳнат таълим учун неча фоиз соат ажратилган?
 1. 5 %.
 2. 5.3 %
 3. 4,72 %.
 4. 5.8 %.
 5. 7.2 %.
2. Меҳнат таълими учун 5-9 синфларда жами неча соат ажратилган?
 1. 240 соат.
 2. 256 соат.
 3. 262 соат.
 4. 272 соат.
 5. 286 соат.
- 3.Умумий ўрта таълим Давлат таълим стандарти нималарни меъёрлайди?
 1. Таълим дастурларининг мажбурий минимал мазмунини.
 2. Укувчилар укув юкламасининг максимал хажмини.
 - 3.Битирувчиларнинг умумий таълим тайёргарлиги савиясига доир талабларни.
 - 4.1 ва 2 жавоблар тугри. 5.3 ва 4 жавоблар тугри.
4. Умумий ўрта таълим Давлат таълим стандарти нечта булимдан иборат?
 1. 2 та.
 2. 3 та.
 3. 4 та.
 4. 5 та.
 5. 6 та.
5. Умумий ўрта таълимда меҳнат таълимининг вазифалари нималардан иборат?
 - 1.Меҳнат кўникмаларини ва касб танлашни шакллантириш.
 - 2.Меҳнат кўникмалари ва касб танлашни ривожлантириш.
 - 3.Меҳнат малакаларини ва касб танлашни шакллантириш.
 - 4.Меҳнат малакалари ва касб танлашни ривожлантириш.
 - 5.Ҳамма жавоблар тўғри.

Мавзу: Умумий ўрта таълим давлат таълим стандартида меҳнат таълимининг таянч мазмуни ва битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган минимал талаблар. (2 соатлик марзуа)

Мақсад: УЎТДТС да меҳнат таълимининг таянч мазму-ни, меҳнат таълимининг йўналишлари бўйича битирувчи-ларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган минимал талаблар хақида маълумот бериш.

Режа:

1. УЎТДТС да меҳнат таълимининг таянч мазмуни.
2. Меҳнат таълими мазмунининг мажбурий минимуми.
3. Битирувчиларга тайёргарлик даражасига қўйила-диган талаблар.

УЎТДТС да меҳнат таълимининг таянч мазмуни.

Меҳнат таълими бўйича давлат таълим стандартида умумий ўрта таълим мактабларида меҳнат таълими ва касб танлашга йўналтиришнинг таянч мазмуни ҳамда

мактабни битирган ўқувчиларнинг меҳнат таълими фанидан тайёргарлик даражасининг меъёрлари ифодаланади.

Ўқувчилар таъминланиши зарур бўлган меҳнат таълими ва касбларга йўналтириш таълими мазмуни умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларга бериладиган меҳнат таълими мазмуни негизини ифодалайди. Меҳнат таълими ва касбга йўналтириш таълими мазмуни қўйидаги бешта йўналишларга бўлинади:

- ёғочга ишлов бериш технологияси
- металлга ишлов бериш технологияси
- газламаларга ишлов бериш технологияси
- пазандачилик асослари
- қишлоқ хўжалиги асослари

Ушбу ҳар бир меҳнат йўналишлари халқ ҳунармандчилиги, ишлаб чиқариш асослари ва касб танлашга йўналтириши билан якунланади.

Ўқувчиларнинг меҳнатга тайёrlаш жараёнида касб-хунарга йўналтиришни янада кучайтириш, уларни замонавий ишлаб чиқариш асослари, ёғочга, металлга ва газламага ишлов бериш технологияси пазандачилик асослари, қишлоқ хўжалиги ва машина элементлари, йўналишлар бўйича билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари кўзда тутилган.

5-7 синфларда ўқувчиларнинг ижтимоий эстетик диди ва дунёқарашини кенгайтирадиган оиласи ҳаёт ва турмушда керак бўладиган юқорида кўрсатилган ўқув курслари ўқувчиларда миллий маданият ва анъаналарга меҳр-муҳаббат уйғотади. 8-9 синфларда касб-хунарга йўналтириш курси таълим олувчиларнинг ижтимоий дунёқарашини кенгайтиради, касб-хунар таълими йўналишларини онгли равища танлашларига кўмаклашади.

Меҳнат таълими мазмунининг мажбурий минимуми.

Ёғочга ва металлга ишлов бериши технологияси.

Бу йўналиш бўйича ташкил қилинган таълим жараёнида ўқувчилар турли материаллар (ёғоч, металл, қоғоз, шиша, пластинка) нинг хусусиятлари тўғрисида бошланғич билимларнга эга бўладилар, уларни режалаш, йўниш, аррапаш, тешиш, пардозлаш ишлари ва бўлишларни бажаришда ишлатиладиган асбобларнинг тузилиши, ишлаши, дастгоҳлари, электр ва механизациялаштирилган жиҳозлар, машиналар элементлари, янги техника ва илғор технология асослари: технологик хариталар, уларни тузиш ва лура билан ишлаш, меҳнат қонунчилиги ва хавфсизлиги. Санитария-гигиена қоидалари тўғрисида ва шу каби назарий билимларга эга бўладилар.

Техник меҳнатни ўрганиш жараёнида ўқувчилар турли асбоблар билан ишлаш, рўзгорборп ва харидоргир буюмларни ишлаб чиқариш бўйича асосий тушунча ва амай иш малакаларини эгаллашлари зарур.

Газламага ишлов бериши технологияси ва пазандачилик асослари.

- газламалар, газлама турлари, хусусиятлари, тикувчилик асослари, газмолларга ишлов бериш;
- кийимлар турлари, аҳамияти;
- тикув, йигирув машиналари, уларнинг турлари, умумий тузилиши ва ишлаши;
- озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, ошпазлик ва қандолатчилик асослари;
- озиқ-овқат маҳсулотларининг инсон ҳаётидаги ўрни, хусусиятлари, тўйимлилиги, турлари;
- таомлар турлари, миллий таомлар, ошхоналарнинг жихозланиши;

- озиқ-овқат саноати, санитария – гигиена ҳамда меңнат ҳавфсизлиги қоидалари;
- уй рўзғор юритиш асослари, уй-рўзғор жихозларидан унумли фойдаланиш қоидалари;
- озиқ-овқат ва енгил саноат соҳаларидаги кенг тарқалган касблар, уларнинг таснифлари;
- оила жамғармаси ва уни сарфлаш;
- озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш, уларга ишлов бериш;
- турли уй-рўзғор асбобларини ишлатиш;
- турли таомлар тайёрлаш;
- электрлаштирилган уй-рўзғор асбобларини ишлатиш;
- кийимларни бичиш, тикиш, тузатиш.

Халқ бадиий хунармандчилиги.

Халқ бадиий ҳунармандчилигининг миллий, этник, тарихий, маҳаллий, жўғрофий жихатлари. Халқ миллий хунармандчилиги соҳалари: ганч ўймакорлиги, наққошлиқ, ёғоч, тош ва суяк ўймакорлиги, кандакорлик, мисгарлик, кулолчилик, сандиксозлик, бешиксозлик, пичоқчилик, зарагарлик, чилангарлик, чопон тикиш, кигиз босиши, дуппидўзлик, зардўзлик, каштачилик, сават тўкиш, бўйрачилик, нонвойлик, ошпазлик, косибчилик, иморатсозлик ва бошқалар.

Хунармандчиликнинг жаҳон маданиятида тутуган ўрни. Хунармандчилик марказларининг шаклланиши ва ривожланиши, хунармандлар сулолалари. Халқ амалий безак санъати ва хунармандчиликнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқаси. Ҳунармандчилик асбоблари, мосламалари билан ишлаш. Хунармандчилик асарларини асрар, таъмирлаш ва уларнинг умрини узайтириш. Хунармандчиликда тадбиркорлик, ижодкорлик.

Ўқувчиларни меңнат таълимни ва касбларга йўналтириш фанидан битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган минимал талаблар.

Бозор иқтисодиёти шароитида инсонларнинг яхши яшашида, фаолиятида тўғри касб танлашнинг аҳамиятини турли хил касбларнинг инсонга қўядиган талабларини: касблар олами, касблар шажараси, Ўзбекистон халқ хўжалигидаги муҳим касблар, касблар таснифлагичи, кичик мутахассислар тайёрлаш тизими: касблар меңнат шарт-шароитлари, воситалари, предмети, мақсади бўйича шажараланган ўқувчиларни ўз қизиқишиш ва мойилликлари, ўз нерв тузилиши. психикаси, ўз қобилият ва эҳтиёжларини касблар тўғрисида маълукмот олиш мактабларини айрим касб меңнат бозори талаблари асосида эҳтиёжнинг ўзгариб боришини, саломатлигини танлаган касбига мос келиши худудда жойлашган ўрта маҳсус, касб-хунар ўқув юртларида таълим йўналишини ихтиёрий танлаши ўқишини давом эттириш имкониятлари, келгуси мавқеини билиши зарур. Ўқувчилар касбларни таҳлил қила олиши, ўзларини шахсий сифатларини қизиқишини ва саломатлик даражасини тўғри баҳолай олишлари шахсий касбий режаларини туза олишлари зарурдир.

Ўқувчилар халқ хўжалиги асослари бўйими бўйия яхшилаш; халқ хўжалиги соҳаларини халқ хўжалигига рўй берадиган ислоҳотларни, бозор иқтисодиёти талабларини давлат хусусий корхоналарини копперация фирма, ширкат, концернлар, уларда ишлаб чиқпаришини ташкил этиш шакллари. технологик жараёнлар, маҳсулотларни тайёрлаш босқичлари, табиатни ишлаб чиқпаришини заарарли таъсиридан муҳофаза қилиш, маҳсулот қийматини арzonлаштири йўллари, қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқпаришнинг даврийлигини, маромли оқимлиги ишлаб чиқпаришини режалаштириш. меңнат қонунчилигини билиши зарур.

Корхоналарда меңнат интизомини яхшилаш; маҳсулот сифатига таъсир этувчи омиллар, фойда ва қўшимча қиймат, меңнат унумдорлигини ошириш, барча

дастгоҳларда ишлашда носозликларини бартараф қилиш, таъмирлаш, уй-хўжалик электр машиналарини ва асбобларни ишлата билиш, меҳнат ва техника хавфсизлигига тўла риоя қилиш кўникмаларини шакллантириш.

Ёғоч ва металлга ишлов бериш технологияси.

Ўқувчилар эгаллаши шарт бўлган билимлар:

- техника ва технологиянинг халқ хўжалигидаги аҳами-ятини, ишлаб чиқаришда бажарадиган вазифалварига кўра машиналарнинг таснифи конструкцион материал тўғрисида бошланғич билимларга эаг бўлишлари;
- бу материалларни қайта ишлаш технологиясини, саноат ишлаб чиқаришда тубдан ўзгартириш киритган янги технологиялар тўғрисида;
- янги маҳсулотни конструкциони ва техник бадиий лойиҳаланишнинг умумий принципларини ҳамда дизайн талаблари асосида қайта лойиҳаланиши;
- сонли дастурли бошқарилувли дастгоҳлар ва роботлар тузилиши ва ишлаш принципи тўғрисида умумий тушунчалар;
- меҳнат қонунчилиги ва хавфсизлиги, санитария гигиена қоидалари.

Ўқувчиларда шакллантириладиган кўникма ва малакалар.

- ёғочга ва металлга чизма, эскиз ва технологик хариталар ёрдамида механик ишлов бериш, иш учун зарур бўлган мослама ва асбобларни танлаш;
- ёғочга ишлов бериш, чилангарлик дастгоҳида шаклдор юзаларга ишлов беришни, чилангарлик винт қирқиши дастгоҳида цилиндр ва конус шаклидаги деталларга ишлов беришни, фрезалаш дастгоҳида сатҳлар ва ўйиқлар фрезалаш.

Газламаларга ишлов бериш технологияси ва пазандачилик асослари.

Ўқувчилар эгаллашлари лозим бўлган билимлар

- мактабда (уй-рўзгор) ремонт, уй-рўзгор ишларини бажариш;
- электр юритмали тикув машиналари тузилиши, ишлаш тамойиллари;
- елкали буюмлар чизмасини чизиш, андозасини тайёрлаш изчиллиги, технологияси, унинг сифатига қўйилган талаблар.
- макарон маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотларига ишлов бериш усуслари, уларни овқатланишдаги аҳамияти.
- Хамирдан тайёрланадиган маҳсулотлар, резавор ва меваларнинг овқатланишдаги аҳамияти.

Ўқувчиларда шакллантириладиган кўникма ва малакалар.

- макарон, сут маҳсулотлари ва хамирдан таом тайёрлаш, мева ва резаворлардан мураббо тайёрлаш.
- уй-рўзгор ишларини бажариш, дастурхон безаш, меҳмонларни кутиб олиш ва маданиятли хизмат қилиш.
- электр юритмали тикув машинасида ишлаш ва чок тикиш.
- тикув машинаси носозлигини аниқлаш ва бартараф этиш.
- мева ва сабзавотларни косервалаш.
- электр уй-рўзгор асбобларини ишлата билиш.
- оила бюджетини ишлата олиш.

Халқ хунармандчилиги.

Ўқувчилар эгаллашлари лозим бўлган билимлар:

- халқ хунармандчилиги ва уларнинг турлари тўғрисида маълумотлар.
- ёғоч ўймакорлиги, уларнинг турлари, ёғоч ўймакорлигининг ўзига ҳос хусусиятлари.
- истеъмол буюмлари (товоқ, лаган, қошиқ), курилиш буюмлари (эшик, ром, устун), меҳнат буюмлари (бешик, сандик, шкаф)лар ясаш технологияси, кетма-кетлиги.

- Амалий ҳунармандчилик тармоқлари (бўйрачилик, сават тўқиши, заргарлик, темирчилик ва бошқалар) нинг иш услублари, ўзига хос хусусиятлари.

Ўқувчиларда шакллантириладиган кўнишка ва малакалар:

- ўқувчиларнинг ўзи қизиқсан халқ ҳунармандчилиги тури бўйича бирор буюм эскизини чизиши, лойихалashi ва шу эскиз асосида буюмнинг ўзини ясами, дизайн талаблари асосида буюмга бадий ишлов бериши.
- ўқувчи бир вақтда бир неча материалларга бадий ишлов бериши.
- Халқ ҳунармандчилигининг бир неча тури бўйича буюмларни лойихалаш, ясашни ўзлаштириш мумкин. Бу унинг маҳорати даражаси юқори эканлигини кўрсатади.

Адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги қонуни.
2. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. Т. «Шарқ». 1999 йил 4-махсус сон.
3. Мехнат таълимидан ДТС асосидаги ўқув дастури.

Тест саволлари.

1. Мехнат таълими фанининг мазмуни кайси жавобда тугри курсатилган?
 1. мехнат таълими тайёргарлиги.
 2. Касблар буйича тайёргарлик.
 3. Касбгача маҳсус тайёргарлик.
 4. Касб таълими бериш.
 5. 1,2,3 жавоблар тугри.
2. Куйидагиларни кайсинаси умумий технология асослари укув курсининг йуналишларидан бири хисобланади?
 1. материалшунослик.
 2. Умумий техника асослари.
 3. бадий меҳнат асослари.
 4. Касбкорлик асослари.
 5. Ҳамма жавоблар тўғри
3. Умумий урта таълимнинг ДТС нима?
 1. ДТС умумий ўрта таълим мактабларида ўқитишининг сифатини оширишга ёрдам берувчи энг янги усувлар, курсатмалар мужас самланган ўқитувчилар учун қулланмадир.
 2. ДТС умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчилар умумтаълим тайёргарлигига, савиясига куйиладиган мажбурий минимал даражасини белгилаб берадиган хужжатdir.
 3. ДТС янги педагогик технология асосида яратилган дарслик бўлиб, ҳамма уқитувчи бу дарсликдан фойдаланиши зарур.
 4. Уқитувчига қулланма.
4. Ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасига куйиладиган мажбурий минимал талабларни уқитувчи каердан олади?
 1. маълум синфга мулжалланган дарсликдан.
 2. таянч укув режасидан.
 3. ДТС буйича талаблар, фанлар буйича ишлаб чикилган укув дастурларидан.
 4. илмий булим мудиридан.
 5. ХТБ дан.
5. ДТС ни бажариш кайси таълим муассасалари учун мажбурий?
 1. Мулкчилик шакли ва идоравий буйсинишдан катъий назар барча таълим муассасалари учун мажбурий.
 2. Факат давлат таълим муассасалари учун мажбурий.
 3. Бошлангич таълим муассасалари учун мажбурий.
 4. 5-9 синф укувчилари учун мажбурий.
 5. Барча таълим муассасалари учун мажбурий эмас.

Мавзу: Умумий ўрта таълим давлат таълим стандарти асосидаги меҳнат таълими дастурининг илмий-услубий таҳлили. (2 соатлик маъруза)

Мақсад: УЎТДТС асосидаги маҳнат таълими дастурининг тузилиши, йўналишлари, меҳнат таълимини амалга ошириш учун ҳал қилиниши лозим бўлган ташкилий ва услубий вазифалар ҳақида маълумот бериш.

Режа:

1. Умумий ўрта таълимда меҳнат таълими фанини ўқитишнинг мақсад ва вазифалари.
2. Меҳнат таълимининг йўналишлари
3. Ўқувчиларни меҳнат таълимини амалга ошириш учун ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар.
4. Меҳнат таълимидан амалий машғулотларни ўтказиш.

Умумий ўрта таълимда меҳнат таълими фанини ўқитишнинг мақсад ва вазифалари.

Мустақил республикамида жорий этилган ўқув дастури умумтаълим мактабларида меҳнат таълими фанини ўқитишнинг моҳияти, мазмуни, мақсади вазифалари тамоиллари ва бошқа мезонларини белгилайди.

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-нинг 1999 йил 14-15 апрелда ўтказилган биринчи чақириқ XIV сессиясида Президент И.А.Каримов нутқида белгилаб берилган таълим соҳасини ривожлантиришнинг хозирги долзарб масалалари баркамол авлодни ватанпарвар, меҳнатсевар, илмли бўлишини таъминлаш юзасидаги вазифаларга, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги қонуни ва «Қадрлар тайёрлаш миллый дастур» ларига биноан ишлаб чиқилган. Дастур 1998-1999 ўқув йилида республиканинг белгиланган мактабларида меҳнат таълими ўқув фанидан ўтказилган тажриба синовлари натижаларига асосан тузилган.

Умумий ўрта таълим мактабида меҳнат таълими фанини ўқитишнинг мақсади - ўқувчиларни ақлий ва жисмоний меҳнат турлари, жараёнлари ҳамда касблар турлари билан таништириш, уларда дастлабки меҳнат кўникмалари ва малакаларини, меҳнатга қизиқиши ва меҳнатсеварликни шакллантириш, уларни меҳнат ва касбларни қадрлаш, уларни аҳамиятини тушунтиришга ўргатиш ҳамда касб танлашга тайёрлаш орқали уларнинг касбгача бўлган тайёргарликларини амалга оширишдан иборат.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги таълимий-тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифаларни бажариш лозим бўлади.

Таълимий вазифа- ўқувчиларнинг баркамол шахс бўлиб шаклланишлари учун уларга меҳнат жараёнлари, касблар, умумий технология, техника ва ишлаб чиқаришнинг илмий асосларини ўргатиш, уларни касб танлашга йўналтириш, камида 3 та касб билан дастлабки тайёргарликларини амалга ошириш ва касб-хунар коллежларида таълим олишга тайёрлашдан иборат.

Тарбиявий вазифа- ўқувчиларнинг меҳнат кўникмаларини шакллантириш жарпаёнида меҳнат ва касбга муносабатларида юқори ахлоқий сифатларини, меҳнатсеварлик ва тадбиркорликни ривожлантириб боришдан иборат.

Ривожлантирувчи вазифа- меҳнат таълими машғулотлари жараённида ўқувчиларга ақлий, жисмоний, ахлоқий, бадиий-эстетик тарбия ва таълим бериш, касбгача тайёргарликларини амалга ошириш орқали уларнинг баркамол шахслар бўлиб етишишларига ёрдам беришдан иборат.

Меңнат таълими фанининг мазмуни шартли равища 3 га, яъни меңнат таълими тайёргарлиги, касблар бўйича тайёргарлик ва касбгача маҳсус тайёргарлик қисмларига бўлинади. Бу қисмлар ҳар бир дарс ва машғулотларнинг таркибига сингиб кетган бўлиб, уларнинг ўқитувчилар ва услубчилар томонидан илмий-услубий нуқтаиназаридан ҳисобга олинган ҳолда таҳлил қилиб борилиши меңнат таълими машғулотларининг аниқ мақсадга йўналтирилган бўлишини таъминлади.

Меңнат таълимининг йўналишлари.

Меңнат таълимининг йўналишлари мактаб атрофидаги корхона, ташкилот ва касб-хунар коллежларида кенг тарқалган соҳалар касбларга мувофиқ танлаб олинади. Шунга кўра ҳар бир мактабда меңнат таълимининг қуидаги йўналишлари асос қилиб олиниши мумкин.

- ёғоч ва унга ишлов бериш технологияси
- металл ва унга ишлов бериш технологияси
- газламаларга ишлов бериш технологияси
- пазандачилик асослари
- қишлоқ хўжалиги асослари ва бошқалар

5-7 синфларда ушбу йўналишлардан айримлари танланади ва 8-9 синфларда шу танланган йўналишларга мувофиқ ҳолда ишлаб чиқариш асослари ва касбга йўналтириш курси ўқитилади.

Ушбу йўналишларнинг ҳар бири юзасидан қуидаги билимлар бўйича ўзаро уйғунлаштирилган назарий билимлар берилади ва амалий иш кўникмалари шакллантирилди.

1. Материалшунослик асослари
2. Асбоб-ускуналар ҳақида маълумот ва ишлатиш усуллари
3. Машина механизм, станоклар ва мосламаларнинг тузилиши ва ишлатиш асослари
4. Маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияси
5. Халқ хунармандчилиги касблари бўйича умумий маълумотлар бериш ва ўзаро турдош учта касб йўналиши бўйича касбгача тайёргарликни амалга ошириш.

Бундан ташқари ҳар бир асосий йўналиши бўйича уй-рўзғор маданияти ва унга тегишли таъмирлаш ишларини бажариш кўникмалари шакллантириб борилади.

Ҳар бир йўналиш бўйича ишлатиладиган электротехника воситалари, улардан тўғри фойдаланиш ҳамда таъмирлаш ишлари ўргатилади.

Ҳар бир асосий йўналиш бўйича компьютер техникаларидан фойдаланиш масалалари юзасидан дастлабки маълумотларни бериш кўзда тутилади.

Ҳар бир дарс мазмунига боғлиқ ҳолда иқтисодий, ҳуқуқий, экологик билимлар ҳамда хавфсизлик техникаси қоидалари ўзаро уйғунлаштирилган ҳолда ўргатиб борилади.

5-7 синфларда меңнат таълими йўналишларининг ҳаммаси учун уйғунлаштирилган бадиий меңнат технологияси ва машина элементлари машғулотлари ўтказилади. Дастурда бадиий меңнат технологияси машғулотлари барча йўналишлар бўйича умумлаштирилган ҳолда берилган, улардан тегишли йўналишларга доир мавзулар ўқитувчи томонидан ажратиб олиниши лозим.

Меңнат таълими дарсларида ўқувчилар касблар турларига оид билим кўникма ва малакалар мактаб жойлашган ҳудуддаги имконият ва эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда танланадиган касблар асосида шакллантирилади.

Қишлоқ хўжалиги меңнати таълими заминида машғулотларнинг асосан халқ хунармандчилиги касблари ва ёш фермерлик йўналишида олиб борилиши мақсадга

мувофиқдир. Йирик саноат ишлаб чиқариши ривожланган ҳудудлардаги мактабларда меңнат таълими дарсларида ўқувчиларни шу саноат соҳасига оид замонавий касбларга йўналтириш имкониятлари яратилиши лозим.

Ўқувчиларни меңнат таълимини амалга ошириш учун ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар.

Ташкилий вазифалар. Меңнат таълими бўйича назарий машғулотлар учун ўқув хонаси ва амалий машғулотлар учун устахона ташкил қилиш ва уларда хавфсиз ва қулай меңнат шароитларини яратиш.

Ўқувчиларни машғулотлар учун зарур хом ашё материал, асбоб-ускуналар билан таъмирлаш ҳамда мосламалар, механизмлар, станоклар билан амалий ишлаш жараёнини ташкил қилиш.

Санитария-гигиена ҳамда меңнат хавфсизлиги бўйича меъёрий хужжатларда белгиланган талабларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш ва мунтазам назорат қилиб бориш.

Ўқувчиларни турли касблар бўйича меңнат жараёнлари ва касб эгалари билан яқиндан танишишларини амалга ошириш учун корхоналар жамоа хўжаликлари, ташкилотлар, муассасалар билан доимий алоқа ўрнатиш.

Расмий хужжатлар: меъёрий ривожлантирувчи хужжатлар, устахонада хавфсизлик техникаси, санитария-гигиена ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш қоидаларига доир хужжатларни юритиш.

Услубий вазифалар. Машғулотларнинг ярим ва бир йиллик иш режаларини тузиш. Бунда маҳаллий шароитлар, эҳтиёжлар ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда, касблар таснифи асосида, ўқувчиларни яқиндан танишириш мумкин бўлган касб турларини аниқлаш.

Ўғил ва қиз болаларнинг ўзларига мос-хос меңнат машғулотларини ва касб танлашларини амалга ошира бориш.

Машғулотларда замонавий илғор педагогик технологиялар, янги дидактик воситалардан кенг фойдаланиш, меңнат таълими ва тарбиясининг бирлигини таъминлаш.

Ўқувчиларда турли касбларга тегишли дастлабки меңнат кўникма ва малакаларини, меҳнатсеварликни шакллантириш.

Меңнат таълими жараёнида ўқувчиларни ақлий ва ахлоқий жиҳатдан ривожлантириб бориша уларнинг ёш хусусиятларини, шахсий технологик ва физиологик сифатларини ҳисобга олиш.

Ўқувчиларда касбга йўналтириш ишларини олиб бориш.

Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини рейтинг асосида назорат қилиб бориш.

Давлат таълим стандарти талаблари асосида чуқур ва мустаҳкам билим бериш.

Машғулотлар мавзуи амалиёт билан ўқув мазмуни тарбиявий муаммоларни ҳал қилиш билан уйғунлаштирилган ҳолда бўлишини таъминлаш.

Халқ ҳунармандчилигининг айрим нодир касбларини ўргатиш учун усташогирд ёки ота-ўғил, она-қиз шаклларидан фойдаланиш, бундай машғулотларни тегишли халқ усталари билан мактаб ўртасида тузиладиган шартномалар асосида ташкил қилинади.

Мактабда меңнат таълими ва тарбияси, касбга йўналтириш жараёнини ташкил қилиш ҳамда уни амалга оширишда педагогика, дидактика, психология, физиология, хусусий методика ва маҳсус фанларнинг илмий хуносаларидан кенг фойдаланиш кўзда тутилган. Машғулотлар мавзуси амалиёт билан уйғунлаштирилган ҳолда бўлишини таъминлайди.

Мазкур ўкув дастури асосида олиб борилган ўкув-тарбия ишлари натижаларини ўқувчиларнинг ўзлаштиришларини аниқлаш ва назорат қилиш давлат таълими стандарти асосида амалга оширилади.

Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-9 синфларида ўқувчилар сони шахар мактабларида 25 ва ундан ортиқ, қишлоқ мактаблари 20 ва ундан ортиқ бўлса, меҳнат дарслари шу синфлардаги ўқувчиларни икки гурухга ажратган ҳолда олиб борилади.

Халқ ҳунармандчилигининг айрим нодир касбларини ўргатиш учун уста шогирд ёки ота-ўғил, она-қиз шаклларида фойдаланилади. Бундай машғулотларни тегишли халқ усталари билан мактаб ўртасида тузиладиган шартномавий асосида ташкил қилинади.

Меҳнат таълимидан амалий машғулотларни ўтказиш.

Дастурдаги меҳнат йўналишлари бўйича амалий машғулотларни ташкил қилиш ва ўтказиш кетма-кетлиги маҳаллий шароит ва имкониятлар ҳисобга олинган ҳолда ўқитувчи томонидан ҳал қилинади. Меҳнат таълимининг барча йўналишлари бўйича амалий машғулотлар 5-6 синфда 6 кундан, 7-синфда 10 кун ва 8-синфда 16 кун режалаштирилган бўлиб, улар ўкув йилининг ёзги баҳорги ва қишки амалий машғулотлар даврида ўқитувчининг назорати асосида ўтказилади. Қишлоқ хўжалиги асослари йўналиш бўйича амалий машғулотлар ўкув йилининг тегишли мавсумларида ўтказилади.

Амалий машғулотларнинг мақсади-ўқувчиларга ўргатилаётган билим кўникма ва малакаларни бевосита ижтиомий фойдали ва унумли ишлаб чиқариш меҳнати жараёнида (устаҳонада, фермада, корхонада ташкилот муассасаса жамоа хўжалиги экинзорларида ёки ҳунарманд уста ҳузурида) мустаҳкамлашнинг бозор муносабатлари қоидалари асосида ташкил қилишдан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўкув дастури. Т. «Шарқ». 1999 йил 4-махсус сон.
2. «Халқ таълими» журналининг 2000-2002 йил сонлари.

Тест саволлари.

1. Умумий ўрта таълимда меҳнат таълимининг вазифалари нималардан иборат?
 - 1.Меҳнат кўникмаларини ва касб танлашни шакллантириш
 - 2.Мехнат кўникмалари ва касб танлашни ривожлантириш.
 - 3.Меҳнат малакаларини ва касб танлашни шакллантириш.
 - 4.Меҳнат малакалари ва касб танлашни ривожлантириш.
 - 5.Ҳамма жавоблар тўғри.
2. Мехнат таълими фанининг мазмуни қайси жавобда тўғри кўрсатилган?
 - 1.Мехнат таълими тайёргарлиги.
 - 2.Касблар буйича тайёргарлик.
 - 3.Касбгача маҳсус тайёргарлик.
 - 4.Касб таълими бериш.
 - 5.1,2,3 жавоблар тугри.
3. Мехнат таълими ўкув фани таркибига 1-4 синфларда қандай ўкув курслари киритилган?
 - 1.Техник меҳнат.
 - 2.Умумий ва бадиий меҳнат.
 - 3.Умумий технология асослари.
 - 4.2 ва 3 жавоблар тўғри.
 - 5.Ҳамма жавоблар тўғри.
4. Мехнат таълими ўкув фани таркибига 5-7 синфларда қандай ўкув курслари киритилган?
 - 1.Материалшунослик, асбоб-ускуналар, машина-механизм, станоклар.
 - 2.Умумий технология асослари.
 - 3.Маҳсулотлар ишлаб чиқариш, халқ ҳунармандчилиги технологияси
 - 4.Машина деталлари.

- 5.1 ва 3 жавоблар түгри
5. Мәхнат таълими ўқув фани таркибига 8-9 синфларда кандай ўқув курслари киритилган?
- 1.Ишлаб чиқариш асослари.
 - 2.Касбкорлик асослари.
 - 3.Газламага ишлов бериш.
 - 4.Кишлок хұжалиги асослари.
- 5.1 ва 2 жавоблар түгри.

Мавзу: Ишлаб чиқариш асослари (8-9 синфлар) курси машғулотларини ўтиш методикасы. (2 соат маъруза, 2 соат амалий).

Мақсад: ДТС асосидаги мәхнат таълими ўқув дастурида ишлаб чиқариш асослари курси машғулотларни ўтказищдан асосий мақсад, 8-9 синфларда бу курсни ўқитиши учун ажратилған ўқув соатлари ҳамда мавзулар бўйича дарсларни ташкил қилиш ва ўтказиши методикаси ҳақида билимлар бериш.

Кўргазмали қуроллар: Расмлар, ишлаб чиқариш технология-сидан намуналар, кўлланмалар.

Режа:

1. Замонавий ишлаб чиқаришга кириш.
2. Ишлаб чиқариш технологияси.
3. Ишлаб чиқаришдаги техника виситалари.
4. Ишлаб чиқариш иқтисодиёти ва уни ташкил этиш.
5. Ишлаб чиқаришда фан техника тараққиёти.

Умумий ўрта таълим давлат таълим стандарти асосидаги мәхнат таълими ўқув дастурида ўқувчиларни мәхнатга тайёрлаш жараённанда касб-хунарга йўналтиришни янада кучайтириш, уларни замонавий ишлаб чиқариш асослари, ёғочга, металлга ва газламага ишлов бериш технологияси, пазандачилик асослари, қишлоқ хўжалик асослари, бадиий мәхнат технологияси ва машина элементлари йўналишлари бўйича билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари кўзда тутилган.

8-9 синфларда ишлаб чиқариш асослари курси машғулотларини қўйидаги ўкув-мавзу режа асосида ташкил этиш тавсия этилади.

8-синф ишлаб чиқариш асослари курсининг ўқув мавзу режаси

1.	Замонавий ишлаб чиқаришга кириш.	2 соат
2.	Ишлаб чиқариш технологияси асослари	2 соат
3.	Техника виситалари	2 соат
4.	Ишлаб чиқариш иқтисодиёти ва унинг ташкил этилиши.	2 соат
5.	Ишлаб чиқаришда фан техника тараққиёти	1 соат
Жами:		9 соат

9-синф ишлаб чиқариш асослари курсининг ўқув мавзу режаси

1.	Ишлаб чиқариш технологияси	8 соат
2.	Техника виситалари	3 соат
3.	Ишлаб чиқариш иқтисодиёти ва унинг ташкил этилиши.	3 соат
4.	Ишлаб чиқаришда фан техника тараққиёти	3 соат
Жами:		17 соат

Ишлаб чиқариш асослари ўқув курсининг ўқув мавзу режасидаги мавзулар бўйича ўқувчиларда қўйидаги билим, кўникма ва малакалар шакллантирилади.

Замонавий ишлаб чиқаришга кириш.

Ўзбекистондаги ишлб чиқариш турлари, мулкчилик асосида вужудга келган ижтимоий ишлаб чиқариш тизими, Ўзбекистон халқ хўжалигида моддий ишлаб чиқариш асослари ва унинг таркиби, ўзаро муносабати, бир-бирига боғлиқлиги. Ишлаб чиқариш соҳасидаги моддий бойликларни ишлаб чиқарадиган ёки истеъмолчиларга етказиб берадиган тармоқлар ва уларнинг таркиблари, касб ихтисослари. Ишчи ва мутахассисларни тайёрлаш, малакаларини ошириш йўналишлари, қоидалари ва стандартлари. Мулкчилик турларининг кучайиши, маркетинг, менежментлик фаолиятининг ривожланиши.

Ишлаб чиқариш технологияси.

8-синфда. Технологик жараён ҳақида асосий тушунча, технология ва униг ифодаланиши. Мехнат предметига механик таъсир этиш (материалларни кесиш, қиркиш, бириктириш, пайвандлаш ва ҳ.к.) орқали амалга ошириладиган технологик жараёнлар. Ишлаб чиқаришда амалга ошириладиган кимёвий ва физик-технолгик жараёнлар.

9-синфда. Ишлаб чиқариш технологияси ва унинг моҳиятини билиш. Ишлаб чиқаришни тайёрлашга оид технологик хужжатлар рўйхати ва уларнинг мазмунини билиш. Ишлаб чиқаришдаги асбоб-ускуналар ва мосламаларнинг иш фаолиятларини ўрганиш. Махсулотлар ишлаб чиқаришни назорат қилиш, ўлчаш ва таққослаш технологиясини ўрганиш. Табиатга ишлаб чиқаришнинг заарли таъсиридан муҳофаза қилишни тушунтириш.

Техника воситалари.

8-синфда. Техника воситалариниг бажарадиган ишлари бўйича фикрлари ва классификацияси, уларнинг вазифалари, турлари, тузилиши, қуруқлик, сув, ҳаво транспорт воситалари, ахборот машиналари.

9-синфда. Ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштириш, ишлаб чиқариш унумдорлигини, сифатини оширишда машина ва автоматлардан фойдаланиш технологияси.

Ишлаб чиқариш иқтисодиёти ва уни ташкил этилиши.

8-синфда. Ўзбекистон иқтисдиётини ривожлантириш йўллари. Ишлаб чиқариш бозор муносабатларига ўтказиш омиллари, бозор муносабатларида капитал маблағлари, ишлаб чиқаришнинг усулари.

9-синфда. Ишлаб чиқаришга сарфланадиган маблағлардан юқори даромад олиш ва ишаб чиқариш самарадорлигини юксалтириш омиллари. Ишлаб чиқаришни юксалтиришнинг экстенсив ва интенсив йўналишлари. Ишлаб чиқаришнинг истиқбол, йиллик ва жорий режалари. Олинадиган даромад ва уни тақсимлаш қоидалари. Фойда кўпайишидан давлат, корхона ва ишчиларнинг манфаатдорлиги. Ишлаб чиқариш корхоналарида гибадатхона, музейларни ташкил этиш, тежамкорлик ва ишбилиармонлик асослари. Мехнатни илмий ташкил этиш.

Ишлаб чиқаришда фан-техника тараққиёти.

8-синфда. Ишлаб чиқаришда фан техника тараққиётини жадаллаштириш омиллари ва истиқболи, хўжаик фаолиятини лойихалаштириш, автоматлаштириш ва бошқариш истиқболи. Халқ хўжалигини компьютерлаштириш ва энергияни тежаш йўналишлари ва усуслари.

9-синфда. Ишлаб чиқаришда электрон-ҳисоблаш машина-ларидан унумли фойдаланиш. Махсулотларни сақлаш учун ноанъанавий техника воситаларини яратиш технологиялари. Ишлаб чиқаришда муайян физик-кимёвий, биологик ва бошқа омиллардан фойдаланиш.

Мактаб атрофидаги корхоналар ва мактаб устахонаси шароитида чиқиндишларни камайтириш тизимини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқаришда ЭХМ лардан фойдаланиш масалаларига оид рефератлар тайёллаш.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Н.Шодиев «Ўқувчиларга касб танлашга йўллаш ишларини ўргатиши». «Ўқитувчи» 1990 йил
2. С.Булатов. "Ўзбек халқ амалий безак санъати". Тошкент 1995 й.
3. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастур. 4-маҳсус сон. 1999 йил.
4. С.Калуга ва бошқалар. «Ишлаб чиқариш асослари. Касб танлаш методикаси». Тошкент «Ўқитувчи» 1989 йил.
5. К.Д.Давлатов. «Мехнат ва касб таълим-тарбиясидан амалий машғулотлар». Тошкент «Ўқитувчи» 1995 йил.

Тест саволлари.

1. Ишлаб чиқариш муносабатларини аниқланг.
 - 1) Ишлаб чиқариш воситаларига мулкчилик муносабатлар-идир.
 - 2) Ишлаб чиқаришга маҳсулотни тақсимлаш ва истеъмол қилиш шакллари йифиндисидир.
 - 3). Ишлаб чиқариш жараёнида кишилар ўртасида юзага келадиган муносабатдир.
 - 4) Ишлаб чиқариш жараёнидаги алмашув муносабатлари.
2. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг асосий мақсади нимадан иборат?
 - 1) Эҳтиёжларни қондириш.
 - 2).Иқтисодий тараққиётга эришиш.
 - 3) Бозорни товарлар билан тўлдириш.
 - 4) Моддий неъматлар ишлаб чиқариш.
3. Ишлаб чиқаришни интенсивлашнинг моҳияти нималардан иборат?
 - 1) Ишлаб чиқаришни йириклиштириш.
 - 2).Янги корхоналар қуриш ва ишчиларнинг сонини ошириш.
 - 3) Бор маблағлардан рационал фойдаланиш.
 - 4) Янги техника ва технологияни жорий этиш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш.
4. Ўзбекистонда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари нималардан иборат?
 - 1) Чет эл капитал инвестицияни жорий қилишни таъминлаш.
 - 2) Мавжуд корхона ва хўжаликларни самарадорлигини таъминлаш.
 - 3) Экспортни ошириш.
 - 4).Чет эл капитал инвестицияни ва янги техникани жорий қилишни таъминлаш.
5. Ишлаб чиқариш харажатларини тўғри ажратиб кўрсатинг.
 - 1) Моддий ресурсларга сафланган маблағ.
 - 2) Ишчига меҳнати учун тўланадиган пул.
 - 3).Ишлаб чиқаришни моддий ва шахсий омилларини сотиб олишга кетган ҳаражатлар.
 - 4) Муомала ҳаражатлари.
6. «Маркетинг» тушунчаси нимани билдиради.
 - 1).Товар ишлаб чиқариш ва сотишни амалга ошириш учун олдиндан бозор ҳолатини ўрганиш бўйича олиб бориладиган тадқиқот ва тадбирлар тизими.

- 2) Чет мамлакатдан маълум товар олиб келиш ёки четга товар чиқариш.
- 3) Ишлаб чиқариш иншоотларини маълум муддатга ижарага берилиши.
- 4) Хўжалик фаолиятини самарали ташкил этиш.

7. Мехнат тушунчаси нимадан иборат?
 - 1) Товар ишлаб чиқариш ва сотишни амага ошириш борасидаги тадбирлар тизимини ўрганувчи фанни.
 - 2).Хўжалик фаолиятини самарали ташкил этиш учун бошқариш санъати, усуллари, шакиллари ва воситалари мажмуидан иборат фанни.
 - 3) Иқтисодий таълимот ҳақидаги фанни.
 - 4) Табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро алоқадорликни ўрганувчи фанни.
8. Жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучлари нима?
 - 1) Ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари.
 - 2).Ишлаб чиқаришнинг шахсий ва ашёвий омилларининг йифиндиси ва ўзаро таъсири.
 - 3) Ишчи кучи, ҳом ашё ва ёрдамчи материаллар.
 - 4) Мехнат воситалари.

Мавзу: Уй-рўзғор маданияти ва унга тегишли таъмирлаш ишларини бажариш кўникмаларини шакллантириш методикаси. (2 соат маъруза, 2 соат амалий).

Максад: Ўқувчиларга уй-рўзғор юритиш асослари, уй-рўзғор жихозларидан унумли фойдаланиш қоидалари, уй рўзғорда майда таъмирлаш ишларини бошқариш юзасидан билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш методикаси ҳақида маълумот бериш.

Дарс жихози: Уй-рўзғорда ишлатиладиган асбоблардан намуналар, плакатлар.

Режа:

1. ДТС да ўқувчилар эгаллашлари шарт бўлган ҳаётий кўникмаларнинг меъзонлари.
2. Мехнат таълими бўйича ўқув дастурида ўқувчиларга ҳаётий кўникмаларни сингдириш.
3. Уй-рўзғор маданияти ва юритиш асослари.
4. Уй-рўзғорда таъмирлаш ишларини турлари ва ўқувчиларга етказиш методикаси.

Ўқувчиларни ҳар томонлама баркамол шахслар бўлиб шаклланишлари учун уларга мехнат турлари, касблар ҳақида билим бериш, уларда дастлабки мехнат кўникмалари ва малакаларини, меҳнатга қизиқиш ва касбларни қадрлашга, аҳамиятини тушунишга ўргатиш каби ҳаётий кўникмалар шакллантирилади. Уй-рўзғор ишлари, уй тутиш маданияти, турмушда майда таъмирлаш ишларини бажариш, уларни мустақил ҳаётларида, кундалик турмушда учрайдиган меҳнат турлари ва воситалари билан танишириш меҳнат таълими машғулотларининг барча йўналишларида сингдириб борилади.

ДТС да таъкидланганидек, бошланғич (1-4) синфларда уй-рўзғор маданиятидан ўқувчилар куйидаги билим кўникма ва малакаларни эгаллашлари шарт:

- аҳлоқ ва кийиниш меъёрларини билиш;
- уй тутишни билиш;
- меҳмонларга, атрофдагиларга мулизамат кўрзата олиш;
- дастурхон тузатишни билиш;

- уй-рўзғор ишларини бажара олиш;
- дурадгорликка оид содда ва енгил ишларни бажара олиш (ўғилболалар учун);
- оддий бичиш-тикиш ишларини бажара олиш (қиз болалар учун);
- бозор, сотувчи, ҳаридор каби тушунчаларни билиш.

Умумий ўрта таълим (1-9 синфлар) якунида ўқувчилар меҳнат таълимига оид қўйидаги билим, куникма ва малакаларни эгаллашлари шарт:

- уй тутиш маданияти (уйни дид билан безатиш, рўзғор тутиш, маданиятли кийиниш) кўникмасига эга бўлиш;
- уй рўзғор электр асбоблари ва газдан ҳавфсизлик қоидалари га риоя қилган холда фойдалана олиш;
- содда дурадгорлик ишларини бажара олиш (ўғил болалар учун);
- кундалик турмушда зарур бўладиган бичиш-тикиш ишларини бажара олиш (қиз болалар учун);
- пазандачилик маҳоратини эгаллаш;
- оила иқтисодиёти (оила бюджети, кирим-чиқим, оила меҳнат тақсимоти, оиласий ишлаб чиқаришни ташкил этиш) кўникмаларига эга бўлиш.

ДТС талаблари асосидаги меҳнат таълими дастурида юқорида айтиб ўтилган талабларни бажаришга катта эътибор берилган.

Меҳнат таълимининг барча йўналишларида ўқувчиларга хаётий кўникмалар сингдириб борилади. Масалан: Газламага ишлов бериш технологияси ва пазандачилик асослари йўналиши бўйича ўқувчилар уй рўзғор ишларини, кийим-кечакларга қараш. ремонт ишларини бажариш, дастухон тузаш, безаш, меҳмонларни кутиб олиш ва маданиятли ҳизмат қилиш, мазали таом тайёрлашни билиш, электр, газ асбобларини ишлата билиш, оила бюджетини ишлата олиш, супуриш, дераза оиналарини тозалаш, чангларни тозалаш, дераза пардаларни тута олиш, экинларни, чорва моллар ва паррандаларни парвариш қилишни ўргатиш кўрсатилган.

Ёғоч металлага ишлов бериш технологияси йўналишида асбоб ва ускуналардан ҳавфсизлик техника қоидаларига мувофиқ фойдалана олиш, уй рўзғорда учрайдиган ремонт ишларини бажара олиш; эшикни, шкафларни, дераза ромларини, мебелларни таъмирлаш, дурадгорлик ёки чилангарликка оид содда ишларни бажара олиш, кулф, ошиқ-мошиқ, Шпонкалит, эшик ва ром тутқичини ўрната олиш, ромга ойна солиш, уйни таъмирлаш, девор ва шифтни, полни бўяш, дизайннерлик ишларини бажариш кўникма ва малакаларни эгаллашлари лозим бўлади.

Юқоридагилар бўйича билим, кўникма ва малакалар ҳар бир машғулот жараёнида шакллантириб борилади.

Ҳар бир синф якунида ўқувчилар меҳнат таълими фанидан эгаллашлари лозим бўлган билим кўникма ва малакалар мезонларидан уй-рўзғор маданияти ва унга тегишли таъмирлаш ишларини бажариш бўйича талаблар берилган.

5-синфда ўқувчилар бир ва икки лампали ёриткични электр тармоғига улаш қоидаларини, уй-рўзғор электр асбобларининг бузилган вилка ва шнурларини алмаштиришни билиши, электр плиталари, сув қайнатиш қурилмаларидан ҳавфсиз фойдаланиш қоидалари, турли пишириқлар, қатиқ, сузма, сарёғ, қаймоқ тайёрлаш қоидаларини билиши зарур. Уй ҳайвонларини, паррандаларни парвариш қилиш қоидаларини билиш.

6-синфда ёғоч ва металлга ишлов беручи асбобларни ва улардан фойдаланиш қоидаларини билиш, ўлчам ва режалаш асбоблари билан ишлаш усусларини билиш, миллий таомлар тайёрлаш, мева-сабзавотларни қуритиш, сақлаш, мураббо, компотлар, томат тайёрлаш усусларини, дастурхон тузатиш қоидаларини

7-синфда ёғоч буюмларига ишлов беришда ишлатиладиган қўл асбоблари билан ишлаш ёғочдан оддий миллий ҳунармандчилик буюмларини тайёрлаш усууларини билиш, газламаларни бичиш, қирқиши асбоблари ва мосламалардан фойдаланиш қоидалари, хамирдан таом ва нон, булка маҳсулотларини тайёрлаш усууларини билиш, ҳонадонда озиқ-овқатлар учун ҳаражатлар юзасидан иқтисодий ҳисоб китобларни бажариши қоидаларини билиш.

Турмушда ремонт ишлари.

1. Полни бўяш. 2. Шифтни бўяш. 3. Деворни тозалаш.
4. Деворга гулқоғоз ёпиштириш. 5. Эшикни таъмирлаш.
6. Ваннаҳона, хожатхона, унитаз. 7. Мебелга қараб туриш

Адабиётлар.

1. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. 4-максус сони. Тошкент 1999 йил.
2. С Булатов. «Ўзбек халқ амалий безак санъати». Тошкент 1991 йил.
3. В Манакова. «Ўзбек хонадонининг бадиий безак маданияти. Тошкент 1989 йил.
4. М Мирзаахмедов, С Эргашев. «Ёғоч ўймакорлиги» «Ўқитувчи» 1995 йил.

Тест саволлари

1. Оила аъзолари ўртасида меҳнат тақсимоти қандай машғулотларда ўрганилади?
 - 1.Бадиий меҳнат.
 2. Миллий ҳунарманчиллик.
 - 3.Умумий технология ва уй рӯзғор меҳнати.
 - 4.Умумий техника асослари.
 - 5.Қишлоқ хўжалик асослари.
2. Ўзбекистон Республикасида "Умумий ўрта таълим тўгрисида Низом қачон тасдиқланган?
 - 1.1998 йил 1 август.
 - 2.1998 йил 1 июль.
 - 3.1998 йил 1 сентябрь.
 - 4.1998 йил 13 май.
 - 5.1998 йил 10 июнь.
3. Турмушда ишлатиладиган электр токининг кучланиши неча вольтга тенг?
 - 1.110в.
 - 2.127 в.
 - 3.200 в.
 - 4.220 в.
 - 5.250 в.
4. Оила аъзолари ўртасида меҳнат тақсимоти қандай машғулотларда ўрганилади?
 - 1.Бадиий меҳнат.
 - 2.Миллий ҳунарманчиллик.
 - 3.Умумий технология ва уй рӯзғор меҳнати.
 - 4.Умумий техника асослари.
 - 5.Қишлоқ хўжалик асослари.
5. Ўқувчиларга ҳаётий кўникмалар меҳнат таълимининг қайси йўналишларида сингдириб берилади?
 1. Ёғочга ишлов бериш йўналишида.
 2. Газламага ишлов бериш йўналишида.
 3. Пазандачилик технологияси йўналишида.
 4. Барча йўналишларда.
6. Ҳар бир синф якунида ўқувчилар эгаллашлари лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар мезонлари қайси бир хужжатда кўрсатилган?
 1. ДТС да.
 2. Ўқув дастурда.
 3. Таянч ўқув режада.
 4. Барча хужжатларда.

Мавзу: Мехнат дарсларини бадиий меҳнат технологияси билан уйғунлаштириш методикаси. (2 соатлик маъзуза).

Мақсад: Мехнат таълими машғулотлари жараёнида ўқувчиларга ақлий, жисмоний, аҳлоқий, бадиий – эстетик тарбия ва таълим беришда умумий ва бадиий

мөхнат ўқув курсининг ўрни, уни бошланғич ва юқори синфларда ўқувчиларга сингдириш методикаси ҳақида маълумот бериш.

Кўргазмали қуроллар: Расмлар, бадий мөхнат иш намуналари, нақшлар, чизмалар, халқ ҳунармандчилиги буюмлари намуналари.

Режа:

1. ДТСда ўқувчиларга бадий-эстетик тарбияси-таълими беришнинг аҳамияти түғрисида.
2. Бошланғич синфлардаги умумий ва бадий мөхнат ўқув курсининг мавзуларини таҳлили.
3. 5-7 синфларда бадий мөхнат технологияси мавзуларини мазмуни ва уни ўқувчиларга сингди-риш методикаси.

УЎТДТС асосидаги мөхнат таълими ўқув дастурида ўқувчиларни мөхнатга тайёрлаш жараёнида касб-ҳунарга йўналтиришни янада кучайтириш, уларни замонавий ишлаб чиқариш асослари, ёғочга, металлга ва газламага ишлов бериш технологияси, пазандачилик асослари, қишлоқ хўжалик асослари, бадий мөхнат технологияси ва машина элементлари йўналишлари бўйича билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари кўзда тутилган. 5-7 синфларда ўқувчиларнинг ижтимоий-эстетик диди ва дунёқарашини кенгайтира-диган, оилавий ҳаёт турмушда керак бўладиган ўқув курслари ўқувчиларда миллӣ маданият ва анъаналарга меҳр – муҳаббат уйғотади.

Халқ бадий ҳунармандчилигининг миллӣ этник, тарихий, маҳаллий, жуғрофик жиҳатлари, халқ миллӣ ҳунармандчилигининг соҳалари: ганчкорлик, ўймакорлик, наққошлиқ, ёғоч, тош ва суяқ ўймакорлиги, кандалкорлик, мисгарлик, кулолчилик, заргарлик, чилангарлик, чопон тикиш, дўппидўзлик, шарқ миниатюраси, рехтагарлик, ошпазлик, миллӣ ўйинчоқлар тайёрлаш, от-улов анжомлари тайёрлаш, косибчилик, иморатсозлик ва бошқалар ҳақида билимлар бериш ўқувчиларнинг бадий эстетик тарбиясида катта аҳамиятга эга.

Бошланғич синфлар мөхнат таълими ўқув дастури қуидаги ўқув курслардан иборат:

1. Умумий ва бадий мөхнат.
2. Умумий технология асослари

1-4 синфларда умумий ва бадий мөхнат ўқув курси ҳар бир синфда 17 соатдан ўқитилади. Бадий мөхнат турлари инсонларнинг ҳар-хил фаолиятларида гўзаллик ва нафосатга интилишлари натижасида шакилланиб, ривожланиб боради. Ўқувчиларни мөхнат таълимими амалга оширишда. бадий мөхнат воситаларидан фойдаланиш-машғулотларнинг мазмунини бойитиш қизиқарлилигини ошириш, амалий безак санъатлари соҳасидаги билимлар, мөхнат кўникмалари ва малакаларини шакиллантириш имконинин беради. бунда машғулотлар мавзуси ва амалий ишлар бажариш бўйича вазифаларни ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда танлашга алоҳида эътибор берилади.

Ушбу курс бўйича машғулотлар таркибига ўқувчи-ларнинг турли мөхнат мавзуларини ўзлаштиришлари учун зарур бўлган ҳар хил тавсиялар, жадваллар, эскизлар, расмлар, нақшлар, ишлашларини ташкил қилиш ҳамда айrim дизайннерлик масалаларини ҳал қилиш машқларини ўтказиш киради. Бу машғулотларда ўқувчиларга бадий мөхнатнинг қуидаги йўналишлари бўйича дастлабки билимлар, кўникма ва малакалар шакллантирилади.

1. Эскизлар, расмлар, жадваллар ва бошқа тасвирлар ишлаш.

Бу машғулотларда ўқувчиларга мөхнат жараёнида бажариладиган ишларни турли тасвирлар ва жадваллар шаклида режалаш ва лойиҳалаш ўргатилади. бунда турли касблар соҳасида фойдаланиладиган график тасвирларни бажариш ва улардан амалда

фойдаланиш кўнималарини шакллантириш кўзда тутилади. Ҳар қандай меҳнат ҳаракатни ёки исталган жараённи тасвиirlар ёрдамида ифодалаш мумкин. Ушбу хар икки усулнинг ўзига хос афзалликлари бўлиши билан биргаликда уларнинг ҳар бири бошқасининг ўрнини боса олмаслиги ҳам маълум. Аслида эса меҳнат жараёнини сифатли ташкил этилишида ҳар иккала усулдан унумли фойдалана билиш лозим бўлади. Машғулотлар учун оддий ва рангли қаламлар, расм дафтар, рангли қоғозлар, акварель бўёклари, чўткалар, елим, қайчи, картон, газмол, чарм чиқиндилари, ўчиргич, дараҳт ва бошқа ўсимликларнинг барглари ёғоч пайраҳалари, пластмасса, фанера, оина парчалари ва бошқалар керак бўлади.

Дарслр асосан ўқувчининг дарс мавзусига доир кўргазмали бажариб, зарур таҳлиллар бериши билан ўқувчиларнинг турли амалий ишлар бажаришларидан иборат бўлади. Бу ишлар мазмуни меҳнат машғулотлари жараёнид тайёрланадиган турли буюмларнинг тасвиirlарини қалам ва бўёқ билан чизиш рангли қоғозлардан кирқиб елимлаш ва бошқа материаллардан тасвиirlар ясашдан иборат бўлади.

2. Дизайн асослар билан танишиш.

Бу машғулотларнинг мақсади - ўқувчиларга бадий лойиҳалаш бўйича энг оддий назарий билимлар бериш, уларда дастлабки амалий иш, кўнималарни шакллантириш ва бадий эстетик фикрлашларини ривожлантиришдан иборат. Ўқувчиларга буюмларнинг чиройли шаклда ва рангда ҳамда фойдаланиш қулай бўлиши учун нималар қилиш кераклиги қандай қоидаларга риоя қилиш зарурлиги бўйича билимлар берилади, сўнгра шу билимлардан фойдаланган ҳолда амалий топшириқлар бажариш таклиф қилинади.

Бу машғулотлар учун расмлар, эскизлар, чизиш қуроллари билан бирга ҳажмли моделлар ясаш учун турли табиий ва сунъий материаллар ҳамда уларга ҳар турли ишлов бериш асбоблари керак бўлади. Дарслар асосан ўқитувчининг ва турли варианларлдаги кўргазмали воситалар асосидаги таҳлили ва назарий қоидаларни тушунтириб бериши билан ўқувчиларнинг мавзулар бўйича амалий топшириқларни топширишдан иборат бўлади. Топшириқлар мазмуни турли касбларда тайёрланадиган буюмларнинг турли дизайннерлик ечимларини ижодий равишда излаб топишга ўрганишни назарда тутади. Бунинг натижасида ўқувчиларда ўзлари бажарадиган ҳар қандай ишга нисбатан ўзига хос бадий эстетик дид билан ёндаша билиш қоилияtlари ривожлантирилади.

3. Меҳнат таълими вазифалари билан боғлиқ бўлган наққошлиқ асосларини ўргатиш.

Бу машғулотлар мақсади ўқувчиларга турли буюмлар ва маҳсулотларни бадий эстетик безаш учун нақшлардан фойдалана олиш бўйича билимлар бериш, кўнкма ва малакаларни шакллантиришдан иборат. бу курсда ўқувчилар халқ хунармандчилигининг ва ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида қўлланиладиган амалий безак ишлари билан танишадилар, ушбу амалий безак усулларининг айrim касбларга хос (мактаб мұхитидан келибчиқкан ҳолда) технологияларни ўрганадилар. Буни буюм ёки маҳсулотнинг шаклини хосил қилишда бадий стиллаштириш усулидан фойдаланиш ва шу билан бирга безак элементларини мазмун ва ўлчам жихатидан шу буюм ёки маҳсулот учун мутаносиблигини таъминлаш қоидаларини ўргатиб борилади. Машғулотлар учун турли буюмлар ва маҳсулотларга безак бериш нақшлар ишлаш материаллари ва асбоблари керак бўлади. Масалан: қандолат маҳсулотларини безатиш учун турли рангдаги кремлар, қандолатчилик шприци, турли қоидалар ва шулар каби каштадўзлик учун рангли иплар, игналар ва шу кабилан: ёғочсозлик буюмлари учун ишлаш асбоблари бўёқ, лак ва шу кабилар: лой, сопол: ва чинни буюмлар тайёрлаш ва безаш учун бўёқ, ганж, чўтка, кескичлар чизғич ва шу кабилар мисгарлик, темирчилик, пичоқчилик буюмлари учун маҳсус асбоблар ва шу

каби ҳар бир касбнинг ўзига хос материал ва асбоблари талаб қилинади. Наққошлик машғулотлари ўқувчиларнинг маълум буюмлар ва махсулотлар тайёрлашлари билан боғлиқ ҳолда олиб борилади яъни бирор буюм тайёрлашда унинг шакли ва ранги дизайнерлик қоидалари асосида белгиланса, унинг безакларини бажариш наққошлик қоидалари асосида бажарилади. Наққошлик дарсларининг асосий усули ўқитувчиларнинг мавзуга тегишли кўргазмали воситалар ва намуналар асосида таҳлил ўтказиши, зарур қоидаларни тушунтириб бериш ва шундан сўнг ўқувчиларни мустақил ижодий ишлар бажаришдан иборат бўлади.

Умумий ва бадиий меҳнат курсининг ушбу учта йўналиш бўйича ўқув соатлари қўйидагича тақсим қилинади.

№	Маърузалар	Синфлар ва соатлар			
		1	2	3	4
1.	Расм, эскизлар ва жадваллар чизиш	9	9	4	4
2.	Дизайн асослари	-	-	8	8
3.	Наққошлик асослари.	8	8	5	5
	Жами:	17	17	17	17

5-7 синфларда меҳнат таълими йўналишларининг ҳаммаси учун ўйғунлаштирилган бадиий меҳнат технологияси машғулотлари ўтказилади. Дастурда бадиий меҳнат технологияси машғулотлари барча йўналишлар учун умумлаштирилган ҳолда берилган, улардан тегишли йўналишга доир мавзулар ўқитувчи томонидан ажратиб олиниши лозим.

5-синфда бадиий меҳнат технологияси меҳнат таълим мининг барча йўналишлари учун умумий қўйидаги асосилаги тегишли мавзуларга сингдирилга ҳолда ўтказилади.

Оддий обьектларни конструкциялаш ва моделлаштириш ҳалқ ҳунармандчилиги турлари.

Бу мавзу бўйича амалий ишларда қўйидаги йўналишлардан бири бўйича мустақил ижодий машқлар бажарилади. Дурадгорлик-бешик, сандик ва бошқалар, каштачилик-сочик, белбоғ, рўмолча, дўппи ва бошқалар, наққошлик-бирор буюмни нақш билан безаш, пичноқчилик-пичноқнинг умумий шаклини, бандини, қинини безаш, пазандалик- таомларни чиройли кўринишларда тайёрлаш.

Касблар соҳасидаги безатиш қоидалари.

Турли материаллардан тайёрланадиган буюмларни безашда нақшдан фойдаланиш.

Кандакорлик буюмларининг турлари, уларнинг номи, шлатилиши, шакли, безаклари ва тайёрлаш усуллари, безак элементларини кўчириш ҳамда мустақил ижодий нақшлар тузиш ҳақида билимлар берилади.

6-синфда бадиий меҳнат технологияси бўйича ўқувчиларда қўйидаги билимлар шакллантирилади.

Ёғоч, қоғоз ва бошқа материалларни елимлаш, бўёклар тайёрлаш, бўяш, безаш, турли безаш ишлари учун трафаретлар вабошқа ёрдамчи воситалар тайёрлаш қоидалари. Нақшларнинг турлари ва айрим ҳусусиятлари ҳақида дастлабки тушунчалар. Оддий бадиий безаш ишларини бажариш ҳамда мустаҳкамлиги, фойдаланишга қулайлиги, технологик жиҳатдан осон тайёрланиши, унга бўлган эҳтиёж микдорини ва бошқа талабларни ҳисобга олишнинг аҳамиятини тушунтириш, айрим буюмларнинг дизайнерлик ечимларини ҳал қилиш машқларини бажариш.

7-синфда бадиий меҳнат технологияси бўйича қўйидаги мавзулар асосида билимлар шакллантирилади.

Бадиий безаш ишлари.

Меҳнат таълимидағи бадиий безаш ишлари ҳақида умумий маълумот.

Бадиий безаш ишларида шакл, ранг, тасвиirlар ва нақшлардан фойдаланиш. бадиий ҳарфлар ёзиш. Сайқал берувчи безатиш асбоблари билан ишлаш технологияси. Миллий нақшлар асосидаги бадиий безаш ишларини бажариш.

Меҳнат таълими дарсларида бадиий меҳнат технология-сини ўқувчиларга сингдириш 1-4 синфларда умумий ва бадиий меҳнат технологияси ўқув курси орқали, 5-7 синфларда меҳнат таълим мининг йўналишлари бўйича тузилган мавзуларга уйғунлаш-тириладиган ҳолда амалга оширилади.

Адабиётлар

1. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълими стандарти ва ўқув дастури. 1999 йил.
4-максус сон.
2. И.Азимов "Ўзбекистон нақшу нигоралари". Тошкент 1987
3. С.Булатов. "Ўзбек халқ амалий безак санъати". Тошкент 1995 й.
4. В.Манакова. "Ўзбекистон хонадонининг бадиий безак маданияти". Тошкент 1989 йил.
5. М.Мирзаахмедов "Материлларга бадиий ишлов бериш". Тошкент 1986 йил.
6. М.Мирзаахмедов "Ёғоч ўймакорлиги". Тошкент 1995 йил.
7. К.Қосимов. "Наққошлик: халқ наққошлик тўғараги". Тошкент 1990 йил.

Тест саволлари.

1. Хонадон буюмларини тўғри сақлаш ва майда таъмирлаш мавзууси меҳнат таълими фанининг қайси укув курсида уқитилади?
 - 1.Бадиий меҳнат курсида.
 - 2.Умумий технология асослари курсида.
 - 3.Ишлаб чикариш асослари курсида.
 - 4.Касб-корлик асослари курсида.
 - 5.Умумий техника асослари курсида.
2. Бадиий меҳнат билан бөглиқ касбларга қайси касблар киради?
 - 1.Дурадгорлик.
 - 2.Уймакорлик.
 - 3.Заргарлик.
 - 4.Кулолчилик.
 - 5.Хамма жавоблар тўғри.
3. "Дизайн" сўзи қандай маънони билдиради?
 - 1.Расм чизиш.
 - 2.Безаш.
 - 3.Конструциялаш.
 - 4.Режалаштириш.
 - 5.Хамма жавоблар тугри.
4. Дизайнерлик фаолияти нимада ифодаланади?
 - 1.Санъат асарларини яратиш.
 - 2.Кулолчилик буюмларини тайёрлашда.
 - 3.Якка санъат асарини кўплаб ишлаб чикишда.
 - 4.Буюмларни нархини белгилашда.
 - 5.3 ва 4 жавоблар тўғри.
5. Узбек миллий хунармандчилигига куйидагилардан қайси бири киради?
 - 1.Чилангарлик.
 - 2.Дурадгорлик.
 - 3.Каштацилик.
 - 4.Дупчилик.
 - 5.Косибчилик.
6. Бадиий меҳнат махсулотлари сифатини аникловчи мезонлар?
 - 1.Чиройлилик, енгиллик, арzonлилик.
 - 2.Куркамлик, мустахкамлик, функционаллик
 - 3.Мустахкамлик, арzonлик, енгиллик.
 - 4.Функционаллик, чидамилилик, сифатлилик.
 - 5.Гузаллик, кимматбахолик, хаммабоплик.

Мавзу: Мехнат таълими дарсларида иқтисодиёт ва тадбиркорлик асосларини ўргатиш. (2 соатлик маъруза).

Мақсад: Хозирги даврда ўқитувчиларга иқтисодий билим-лар бериш ва уларни тадбиркорликка ўргатишнинг муҳимлиги ҳамда меҳнат таълими дарсларида амалга ошириш йўллари хақида маълумот бериш.

Режа:

1. Ўзбекистон Республикасидаги иқтисодий ислоҳотлар, узлуксиз иқтисодий таълим-тарбия концепцияси.
2. Ўқувчиларга иқтисодий ва тадбиркорлик билимларини беришнинг зарурлиги.
3. ДТС асосидаги меҳнат таълими ўқув дастурида иқтисодий билим бериш масалалари.
4. Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат таълими дарсларида ўқувчиларни тадбиркорликда ўргатиш масалалари.

Ўзбекистон Республикасидаги иқтисодий ислоҳотлар, узлуксиз таълим-тарбия концепцияси.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ижтимоий сиёsat аҳоли яаш шароитини тубдан яхшилашга қаратилиши ҳар бир шахснинг шаклланишида унинг қобилиятига, имкониятига яраша ижодкор бўлишига замин яратяпти. Шу боис ижтимоий фаол ва ижодкор шахснинг ўзгариб бораётган шароитни, яъни бозор муносабатларини хисобга олган ҳолда мустақил фаолиятга тайёрлаш ҳаётий заруратдир.

Ватанимиз тарихига назар ташласак, аждодларимиз ўз замонасига мос иқтисодий фикр юритишда алоҳида ажralиб турғанлар. Буборада "Буюк ипак йўли" ни кашф этиб, савдо-сотик, моллар алмаштириш, ишлаб чиқаришни талаб даражасига қараб ўстириш, хуллас бозор иқтисодини ривожлантиришга асос согланларини билиш мумкин.

Президентимиз И.Каримов дунёning бошқа мамла-катларидаги бозор иқтисодиётини ривожланиш андоза-лрини кучли иқтисодчи сифатда таҳлил қилиши натижасида республикамизда бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўлини ишлаб чиқди.

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар дастурининг ўзаги сифатида беш тамойил асосида амалга оширилиши И.Каримовнинг "Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтиш-нинг ўзига хос йўли" китобида баён қилинган, яъни

1. Иқтисодиётнинг сиёsatдан устунлиги.
2. Давлат иқтисодий ўзгаришларнинг ташаббускори ва бош ислоҳотчиси.
3. Қонунлар ўстиворлиги.
4. Кучли ижтимоий сиёsat.
5. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш.

Бу қоидалар ўтиш даври дастурининг негизини ташкил этади.

Республикамиздаги ижтимоий муносабатлар, иқтисодий сиёsatдаги ўзгаришлар иқтисодий таълим-тарбиянинг барчага барорбар тааллуқли ва узлуксиз бўлишини талаб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси XTB нинг 1996 йил 8 июндаги 221-буйруғи билан "Ўзбекистон республика-сида узлуксиз иқтисодий таълим-тарбия концепцияси" тасдиқланди. Унда узлуксиз иқтисодий таълим-тарбиянинг босқичлари, илмий методик таъминоти кўрсатиб берилган.

Шахнинг иқтисод фанини (илмини) мустаҳкам ўрганиб камолотга етиши қуйидаги босқичларда амалга оширилади.

1-босқич Оила ва мактабдан ташқари таълим.

2-босқич Мактабгача таълим-тарбия.

3-босқич Бошлангич таълим.

4-босқич Асосий мактаб таълими (тўлиқсиз ўрта таълим)

5-босқич Ўрта ва ҳунар техника таълими.

6-босқич Олий ва ўрта маҳсус таълим.

7-босқич Малака ошириш тизими.

8-босқич Ўзбекистон Фанлар Академияси, тармоқ академиялар, илмий марказлар.

Умумий ўрта таълим давлат таълим стандартларига асосан умумий ўрта таълим мактабларида меҳнат таълимининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида ўқувчиларга иқтисодиёт ва тадбиркорлик асосларини ўргатиш мақсадга мувофиқ деб топилиб, барча туман ва шахар мактабларида амалга оширилмоқда. Иқтисодиёт ва тадбиркорлик асослари мавзусини ўтишдан мақсад ўқувчиларга ҳозирги кунги иқтисодий масалаларни ғоявий, сиёсий жихатдан талқин эта олишлари кўзда тутилмоқда.

Меҳнат таълими билан узвий равища боғланган ҳолда ўқувчиларни иқтисодий тарбияси таъминланади. Улар ишлаб чиқариш муносабатларига амалий равища қўшилишлари, давлат мулки, режа, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми иш ҳақи тўғрисида ҳаётий тасаввурга эга бўлишлари, меҳнат билан топилган бир сўмни қадрлашни ўрганишлари мухимдир. Мактабнинг тежамкор ходими бўлиш, жамоат бойлигига ва она табиатга, дарсликларга, мактаб мулкига, электр энергиясига, шахсий буюмларга, ўқув қуролларига тежамкорлк билан муносабатда бўлиш ва уларни эъзозлаш фазилатларини тарбиялаш шарт. Ўқувчиларни иқтисодий тежаш, меҳнат унумдорлиги, маҳсулот таннархӣ, сифати, хўжалик хисоби ва бошқа шу каби тушунчалар билан амалда танишириш мақсадга мувофиқдир.

Ўқувчиларни ғоясий, сиёсий, ахлоқи, эстетик, жисмоний жихатдан тўлиқ шаклланган кишилар қилиб тарбиялаш дарс жараёнида бошланади. Ўқувчилар бундай кўп қиррали қизиқишлиарни дарсан, синфдан ташқари тарбиявий ишлар билан узвий боғлаш асосидагина қониқиши хосил қилиши мумкин.

Элементар билимларни шакллантира бориб ўқувчилар онгидаги фанларни ўрганишга ва уларни чуқур таҳлил қилишга кўпроқ қаратилмоғи лозим.

Ясалаётган буюмнинг сифатини ошириши ва ташқи кўринишини талаб даражасига етказиш биринчи ўринга қўйилган бўлиши керак. Бу хил топшириқларни бажариш ўқувчиларнинг диққатини ва фикрлаш қобилиятлари аниқликка, саранжом ва тежамкорликка интилишларини ўстиради. Ўқувчилар бажарадиган ишни кўз олдига келтириб фазовий тасаввур хосил қилиш асосида топшириқлар бажарилади. Ҳозирги ёш авлод табиат қўйнида ишлайди, меҳнат қиласи ва ўқийди. Уларга экологик ва иқтисодий вазият ҳақида тушунча бериб бориш, табиатга нисбатан онгли муносабатда бўлишни тарбиялаш бизнинг асосий вазифа бўлиб келмоқда.

Ҳозирда давлатимизда бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтилмоқда. Бундай шароитда ҳалқ хўжалигининг барча соҳаларида янгиликка интилиш, янгича ишлаш, ташаббускор, тежамкор, бунёдкор, тадбиркор бўлиши тақазо этилмоқда. Юртбошимиз И.Каримов табири билан айтганда "Мустақил давлатимизнинг келажаги ҳозирги ёшларимиз қўлидадир" демак биз хозрдан бошлаб ёшларимизаг жаҳон стандартлари даражасида билим беришимиз, миллий руҳда тарбиялашимиз лозим экан. Юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов сесияда сўзлаган нутқларида "Бизга битирувчилар эмас, балки таълим-тарбия олганлар зарур" деб бежиз айтмаганлар. Демак ёш авлодни хар томонлама етук, баркамол, маънавиятли, билимли, ватанга,

халқимизга содиқ чинакам меңнаткаш қилиб тарбиялаш педагогларни биринчи галдаги вазифамиз эканлигини юракдан ҳис қылмогимиз лозим.

Хар бир дарсда, жумладан меңнат таълими дарсларида ўқувчиларни иқтисодий тежамкорликка ўргатиб борилади. Ўқувчилар меңнат таълими дарсларида бошқа фанлардан олган билимларига таяниб меңнат қиласылар. дастлабки ҳаёттүй күнікма ва малакаларини оладылар. Улар буюмлар ясайдылар, бунёдкорлик, яратувчанлик энг муҳими меңнат қилиш, меңнат инсонларни яашаш манбаи эканлигини ҳис қиласылар.

Ўқувчилар меңнат воситаларисиз меңнат қилиб бўлмаслиги, бу асбоб-ускуна, дастгоҳларни ишга созлаш, улардан оқилона фойдаланиш, материалларни тежаш, камчиқим ва чиройли буюм ясаш, чиқиндилардан ҳам турли кичик ҳажмдаги буюмлар ясаш малакаларига эга бўладылар. Бундан ташқари ўз қўли билан меңнат қилиб тер тўкиб бирор буюмни ясаш орқали ҳар бир нарсани қадрлаш исрофгарчиликка йўл қўймаслик ҳамда ўзгалар меңнатини тушуниш ва қадрига етишдек инсонийлик фазилатларига эга бўладылар.

Ҳалқимизда "Тежамкорлик яхши одат", "Исрофгар-чилик уволидан кўрк" деган мақоллар бўлиб, бу сўзлар замирида кўп маъно бордир.

Меңнат таълими ДТС да ўқувчилар қўйидаги билим кўнікма ва малакаларни эгаллашлари таъкидланган: оила иқтисодиёти (оила бюджети кирими-чиқими, оиласа меңнат тақсимоти, оиласи ишлаб чиқаришни ташкил этиш) кўнікмаларига эга бўлиши.

Меңнат таълим мининг мақсадида:

- ўқувчиларни бозор иқтисодиёти қонуниятлари талаблари асосида сифатли, рақобат бардош истеъмол моллари, меңнат махсулотлари етиштиришга ва етиштирилган махсулотларни истеъмолчиларга етказиш воситаларини ўргатиш, иш бошқарувчи - (менеджерлик) унсурларини, ҳомийлик, ишбилармонлик сифат-ларини шакллантириб бориш ва ривожлантириш лозимлиги таъкидланган. юкоридаги вазифалар ҳар бир дарс мазмунига боғлиқ ҳолда ўргатиб борилади.

Маълумки бозор иқтисодиёти даврида ҳар бир корхона, ташкилот ва муассаса ўз фаолиятида шу қонуний талабдан келиб чиқмоғи зарур. Ўқувчиларга иқтисод таълими бериш уларни ҳозирги замонга хос кишилар қилиб тарбиялаш демактир. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов эълон қилган бешта тамойилга суянган ҳолда бошқариладиган бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш зарурлигини барча тушунмоғи ва бу соҳада маълум ишларни амалга оширмоғи зарур.

Бозор муносабатлари иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши тезлаштириш ва мулкни хусусийлаштириш масалаларини келтириб чиқаради. Бу масалалар ўз навбатида ҳалқ хўжалдини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш зарурлигини олдимизга долзарб қилиб қўйди.

Таълим тўғрисидаги қонунда ўсиб бораётган ёшларга таълим-тарбия бериш ишларининг марказида республиканизмнинг ҳар бир шахсий амалий ёки жисмоний меңнат қилишдан қатъий назар вижданан меңнат қилишга ўргатиш зарур. Бундай ижтимоий-иқтисодий энг зарур масалаларни амалаг ошириш ёшларга таълим-тарбия бериш системасини такомиллаштириш учун умумтаълим мактабларини янгича типдаги узлуксиз таълим баъзасига айлантириш таъкидланган.

Хунармандчиликда уста ва муаллимлар бошчи-лигига ўқувчиларни амалий меңнат ва касб-корлик билимларини ҳаётга тадбиқ этиш таълим мақсадини белгилайди.

Мазкур йўналишда таълим бериш жараённанда ўқувчиларга ахборотларни қабул қилиш, мутахассисликка бўлган қизиқиши, тежамкорлик, иш учун жавобгарлик сифатларини шакллантириш, бозор муносабатлари асослари ўргатилади.

Адабиётлар.

1. И. Каримов. «Ўзбекистон – бозор муносабатлариға ўтишнинг ўзига хос йўли». Тошкент 1993 йил.
2. И. Каримов. «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболиниг асосий тамойиллари». Тошкент «Ўзбекистон» 1995 йил.
3. И.А.Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида». Тошкент «Ўзбекистон» 1995 йил.
4. Ўзбекистон Республикасида узлуксиз иқтисодий таълим-тарбия концепцияси» «Ўз Ре ХТВнинг 1996 йил. 8 июн 221 – буйруғи.
5. У. Парниев, Исоломов, Бозор иқтисодиёти асослари ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Тошкент 1996 йил.

Тест саволлари.

1. Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишнинг 5 тамойили И.Каримовнинг қайси китобида кўрсатлган?
 - А) Ўзбекистон 21 аср бўсағасида.
 - Б) Ўзбекистон – бозор муносабатлариға ўтишнинг ўзига хос йўли.
 - В) Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаш-тириш йўлида.
 - Г) Ўзбекистоннинг сиёсий,ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари.
2. Бозор иқтисодиёти нимага асосланади?
 - А) Давлат мулкига. Б) Ҳусусий мулкка.
 - В) Жамоа мулкига. Г) Ҳамма мулкка.
3. Бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий пойdevорларини яратиш бозор ислоҳотлари қайси босқичнинг вазифасига киради.
 - А) 1-босқичининг. Б) 2-босқичининг.
 - В) 3-босқичининг. Г) Ҳамма босқичининг.
4. «Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим-тарбия концепцияси» қачон ва қайси буйруқ билан тасдиқланган?
 - А) 1996 йил 8 ноябр. XTB 336-буйруғи билан.
 - Б) 1996 йил 22 апрел. XTB 116-буйруғи билан.
 - В) 1996 йил 8 июнь. XTB 221-буйруғи билан.
 - Г) 1996 йил 8 декабр. XTB 3-56-буйруғи билан.

МУНДАРИЖА.

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллый дастури» асосида ўқувчиларнинг меҳнат тайёргарлигига кўйилган вазифалар 5
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси-нинг 1998 йил 13-майдаги Ўзбекистон Республикасида «Умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида» ги 203-сонли ва 1998 йил 16 августдаги «Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» ги 390-сонли қарорлари асосида вазифалар..... 13
3. Умумий ўрта таълим Давлат таълим стандарти асосида умумий ўрта таълим муассасалари таянч ўқув режасида меҳнат таълимининг ўрни, мақсад ва вазифалари..... 20

4. Умумий ўрта таълим давлат таълим стандартида меҳнат таълимининг таянч мазмуни ва битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган минимал талаблар.....	28
5. Умумий ўрта таълим давлат таълим стандарти асосидаги меҳнат таълими дастурининг илмий-услубий таҳлили.....	35
6. Ишлаб чиқариш асослари (8-9 синфлар) курси машғулотларини ўтиш методикаси.....	42
7. Уй-рўзгор маданияти ва унга тегишли таъмирлаш ишларини бажариш кўникумаларини шакллантириш методикаси.	47
8. Меҳнат дарсларини бадиий меҳнат технологияси билан уйғулаштириш методикаси.....	51
9. Меҳнат таълими дарсларида иқтисодиёт ва тадбиркорлик асосларини ўргатиш.....	58